

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
Иқтисодиёт ва бошқарув факултети

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Иқтисодиёт ва бошқарув
факултети декани и.ф.н.,
доцент _____ Ф.Б.Ахроров
«____» _____ 2013 йил

«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви»
кафедраси

5340100-«Иқтисодиёт» (қишлоқ хўжалиги) йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Мамлакатни модернизация қилиш шароитида лалимикор
ғаллачиликда дон ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари”
(Самарқанд вилояти Нуробод тумани фермер хўжаликлари мисолида)

Бажарди: 5340100-«Иқтисодиёт»
(қишлоқ хўжалиги) йўналиши
4- босқич талабаси

Суяров Хусан

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи
Илмий маслаҳатчи: доцент

А.Зубайдуллаев
И.Саломов

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШ МУҲОКАМА
ҚИЛИНДИ ВА ҲИМОЯГА
РУХСАТ БЕРИЛДИ**

Кафедра мудир, и.ф.д.,
профессор
О.Муртазаев
«____» _____ 2013 йил.

САМАРҚАНД – 2013

Мундарижа:

Кириш.....	3
1.Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи.....	7
2.Туман фермер хўжаликларида ресурслар салоҳияти таҳлили	
2.1..Ер ресурслари ва улардан фойдаланиш.....	15
2.2..Моддий техника ресурслари ва улардан фойдаланиш.....	19
2.3..Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш.....	23
3.Лалмикор деҳқончиликда ғалла етиштириш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати	
3.1..Самарадорлик тушунчаси, мезони, турлари, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари.....	28
3.2..Ғаллачиликда ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳозирги ҳолати таҳлили.....	37
4.Лалмикор деҳқончиликда ғалла етиштиришнинг самарадорлигини ошириш йўллари	
4.1.Ғалла ҳосилдорлиги ва уни ошириш йўллари.....	41
4.2.Меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш йўллари.....	45
4.3.Ғалла етиштириш таннархини ҳозирги аҳволи ва уни пасайтириш йўллари.....	53
4.4.Ғаллачиликда рентабеллик ва уни ошириш йўллари.....	59
5.Қишлоқ хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш.....	65
Хулоса ва таклифлар.....	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	76

Кириш

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги мустақиллик дарларида мисли кўрилмаган ислохотлар майдонига айлантирилди. Ҳозирги кунга келиб қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. Ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёни амалда ниҳоясига етди. Хусусий фермер хўжаликлари, ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди.

Энг муҳими, қишлоқда ҳақиқий мулкдор – ер эгаси пайдо бўлди, унинг меҳнатга муносабати, ўз ишининг натижаларидан манфаатдорлиги бутунлай ўзгарди. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экинларидан, биринчи навбатда, пахта ва ғалладан энг юқори ҳосил олингани, соҳада ишлаб чиқариш ҳажми кескин кўпайгани деҳқончилигимиздаги туб сифат ўзгаришларнинг самарасидир десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз. Биз бугун 2012 йил якунларини баҳолаб эканмиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий муносиблик сақланиб қолаётганини қайд этишимиз зарур. Шунинг яна бир бор эслатиб ўтмоқчиманки, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2012 йилда эса 8,2 фоизни ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани албатта барчамизни қувонтиради. Кейинги йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2012 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди. Харид имкониятлари муносиблигини ҳисобга олганда санаганда, ялпи ички маҳсулотнинг 2012 йилда 2000 йилга нисбатан ошиши 2,6 каррани ташкил қилди. Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради. 2012 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

ишлаб чиқариш 2011 йилга нисбатан 6,0 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нахрларни ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Пахта- ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева –сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Махсус ишлаб чиқилган кенг кўламли дастурни изчил амалга ошириши ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолати муттасил яхшиланмоқда. Амалга оширилган ана шундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида 260 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг даромадини ошириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда дунё миқёсида дон маҳсулотлари масаласида мураккаб вазият вужудга келаётгани, айрим мамлакатларда бу борада жиддий тақчиллик юз бераётгани, буғдойнинг нархи қандай ортиб бораётгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро минбарлардан бу ҳақда катта ташвиш ва хавотир билан гапирилаётганини инобатга оладиган бўлсак, азамат деҳқонларимиз бунёд этган бу ғалла хирмонининг ахамияти в мохиятини яна бир бор ҳар томонлама ҳис этишимиз, уларнинг том маънодаги буюк меҳнатига тан беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламиз. 2012 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ғалла миқдори 7 миллион 500 минг тоннани, пахта ишлаб чиқариш 3 миллион 460 минг тоннани, картошка ишлаб чиқариш икки миллион тоннадан ортиқроқни ва сабзавот ишлаб чиқариш эса 9 миллион тоннадан кўпроқни ташкил қилди. Бугун қишлоқ хўжалиги тараққиётини мана шундай юксак поғонага кўтаришда муҳим ўрин тутадиган яна бир масала эътиборимизда бўлиши лозим. Яъни соҳада шартнома муносабатларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий

асосларига қатъий риоя қилиб, шартнома мажбуриятларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш-бу нафақат давлат ва давлат идораларининг вазифасидир, балки биз қураётган ҳуқуқий давлатнинг ҳар қайси аъзосининг бурчига айланишини, қонун нормаларига ҳурмат билан қараш кундалик ҳаётимиз қоидаси бўлиб қолишини истаймиз. Айнан мана шундай муносабатни ҳар томонлама қарор топтириш биз келажакда эришадиган ютуқларнинг гарови ва кафолати бўлиши даркор. Шу билан бирга, ғалла етиштириш маданиятини янада ошириш, деҳқон фермерларни зарур моддий ресурслар билан ўз вақтида таъминлаш, юртимизнинг барча минтақа ва ҳудудларига мос бўлган янги, серҳосил бугдой навларини яратиш, доннинг сифати ва истеъмол хусусиятларини яхшилаш, бу борада илм-фан ютуқлари билан омилкор деҳқонларимизнинг бой тажрибасини уйғунлаштириш каби доимо эътиборимиз марказида бўлиб келаётган ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз, деб ишонамиз. Бу борада ҳар бир туманда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир, жумладан тадқиқотимиз объекти сифатида танлаб олганимиз Нурубод туман фермер хўжаликларида бугунги кунда ғалла етиштириш ҳолати, истиқболлари, фермер хўжаликларининг ғалла етиштириш бўйича самарадорлигини ўрганиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир. Шунини ҳисобга олиб, битирув малакавий ишимизни лалмикор деҳқончиликда ғалла етиштириш самарадорлигини ошириш имкониятларини ўрганиб чиқишни мақсад қилиб олдик.

Тадқиқотимизнинг вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаб олдик:

- ғалла етиштирувчилар иктисодий ҳолатини ўрганиш;
- лалмикор деҳқончиликда ғалла етиштириш самарадорлигининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш;
- самарадорлик тушунчаси, мезони, турлари, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усулларини ўрганиш;
- ғаллачиликда ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

- лалмикор дехкончиликда ғалла етиштиришнинг самарадорлигини ошириш йўлларини ўрганиш;
- ғалла ҳосилдорлиги ва уни ошириш йўлларини ўрганиш;
- меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш йўлларини ўрганиш;
- ғалла етиштириш таннархини ҳозирги ахволи ва уни пасайтириш йўлларини ўрганиш;
- ғаллачиликда рентабеллик ва уни ошириш йўлларини ўрганиш;
- тегишли хулосаларга келиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича конкрет таклифлар бериш.

Мавзунинг долзарблиги

Республикамизни мустақилликка эришгунча ва ундан кейинги даврларда дон ишлаб чиқариш мустақиллигига эришилганидан сўнг дончиликка, айниқса ҳозирги кун талаблари қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик корхоналари ички ресурс потенциалидан тўлароқ фойдаланиш энг асосий вазифалар қилиб белгиланган, мавзунинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бағишланглиги унинг долзарблигидан далолатдир.

Мавзунинг мақсади

Нуробод тумани фермер хўжаликларида лалмикор ғаллачиликда иқтисодий самарадорликни ошириш ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва келгусида улардан янада самаралироқ фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш ва бу йўналишда илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат

Мавзунинг вазифалари

- Мавзунинг назарий асосларини яратиш;
- Хўжаликларда мавжуд ресурслар салоҳиятини таҳлил қилиш ва улардан самаралироқ фойдаланишга доир тасиялар ишлаб чиқиш;
- Фермер хўжаликларида дон ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиб, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

1. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шархи

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтириш ва тармоқда самрадорликни ошириш имкониятлари доимо тадқиқотчиларни кизиштириб келган. Қуйида айнан битирув малакавий ишини ёзиш давомида қўлланилган баъзи адабиётларга қисқача шарҳ бериб ўтамиз.

1. Каримов.И.А. Дехқончилик тараққиёти –фаровонлик манбаи. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқи. 1994. - 18 февраль.

Мазкур нутқда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига аҳамият берилган бўлиб, жумладан шундай дейилган: Бугун республика қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, ғалла, чорва, пилла, полиз, узумчилик, картошка етиштириш тармоқлари маҳсулотининг асосий қисмини давлат тасарруфидан чиқарилган хўжаликлар тайёрлаб бераётгани ана шу ҳақиқатнинг яққол далилидир.

2. Каримов.И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Бугун биз тарихий бир даврда - халқимиз ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваломбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамият қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз. Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани - бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз. Бу китобда бугунги глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

3. Каримов.И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

Ушбу асаринг мохияти ва аҳамияти шундаки, унда жаҳон молиявий – иқтисодий инқироzi даврида уни бартараф этишнинг йўллари бўйича ҳар томонлама асосланган аниқ қарашлар, амалий хулосалар илгари сурилди. Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар деб номланган. Унда жаҳон молиявий инқирозини келтириб чиқарган сабаблар, унинг ҳозирги пайтда дунё миқёсида қандай кескин ижтимоий - иқтисодий муаммоларни туғдираётгани ва келгусида юз бериши мумкин бўлган оқибатлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган. Китобнинг иккинчи қисмида қатор долзарб масалалар, жаҳон молиявий инқироzi, аввало унинг оқибатлари Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир кўрсатиш мумкинлиги ҳақида фикр юритилади.

4. Каримов. И.А. Бу мукаддас ватанда азиздир инсон. –Т.: Ўзбекистон, 2010.

Ушбу рисолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 июндаги Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги ПҚ-1358 сон Қарори ҳамда мамлакатимизда истиқлол йилларида ижтимоий- сиёсий, ҳуқуқий, маънавий- маърифий ва иқтисодий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, уларнинг қўлами, мазмун-мохияти, истиқболи тўғрисида фикр юритилади. Унда бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилаётган туб ислохотлар, уларнинг пировард натижаларига алоҳида эътибор қаратилган.

5. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги. –Т.: Илм-зиё. 2009. Амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. Мазкур қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов асарларида қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига оид билдирилган ғоялар ва фикр- мулоҳазалар, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг мазмун - мохиятига бағишланган илмий–амалий мақолалар, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига оид қонун ҳужжатлари рўйхати ва уларда қўлланилган асосий

тушунча ва атамаларнинг изохли луғати, Давлат дастуридаги асосий йўналишларининг схематик ифодаланиши ўрин олган. Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш жараёни қишлоқларимининг тараққиёти ва фаровонлиги билан узвий боғлиқдир. Қишлоқларнинг фаровонлиги, аҳоли ҳаёти учун қулай ва замонавий шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимида юртбошимиз томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 26 январдаги Қарори билан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тасдиқланди. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури қишлоқ хўжалигидаги ислоҳатларнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

6. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

“Биз бугун 2010 йил якунларини баҳолаётганмиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этишимиз зарур. Шунинг яна бир бор эслатиб ўтмоқчиманки, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани албатта барчамизга мамнуният бағишлайди. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва

ғалланинг харид нахрларини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ –овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хом-ашё базаси яратилмоқда. Махсус ишлаб чиқилган кенг кўламли дастурни изчил амалга ошириш ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолати муттасил яхшиланмоқда. Фақат 2010 йилнинг ўзида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 150 млрд сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди ва бу амалга оширилган ишлар натижасида 260 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг даромадини ошириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. 2011 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 108,3, саноатдаги ўсиш 109,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида 105,8 фоиз ҳажмида бўлиши кузда тутилмоқда. Инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши назарда тутилмоқда. Биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Холбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда.

7. Жўраев.Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. –Т.: Истиклол, 2004.

Ушбу адабиётда қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш муносабатларини бозор тизими асосида шакллантиришнинг долзарб

масалалари, турли хил мулк шаклидаги корхоналарни ташкилий хўжалик асослари, хусусан фермер хўжаликларини янги концепцияси асосида шакллантириш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ижара муносабатлари ва оила пудратининг ўрни, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизими, хўжалик юритиш механизмларини такомиллаштириш, хўжалик юритиш тизими ва ички хўжалик ҳисобини жорий этиш, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ташкилий-иқтисодий асослари, бизнес режалаштиришни такомиллаштириш ва шунга ўхшаш долзарб муаммоларни ўрганишнинг назарий ва амалий асослари акс эттирилган.

8. Исмоилов.А.К, Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: Молия, 2005.

Ушбу адабиёт қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг умумий масалалари, товар-пул муносабатлари, мулкчиликни ташкил топиш хусусиятлари, ресурслар потенциали уларни баҳолаш ва оқилона фойдаланиш, шунинг деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ташкилий-иқтисодий асослари, бизнес режалаштиришни такомиллаштириш ва шунга ўхшаш долзарб муаммоларни ўрганиш хусусиятлари ёритилган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар ва қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бўйича батафсил ёритилиб берилган.

9. Муртазаев О. Пахтачилик агросаноат мажмуаси самарадорлигини ошириш муаммолари. Монография. –Т.: 2005.

Монографияда пахтачилик агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг объектив зарурияти асосланган ва самарадорлигининг назарий ва ҳуқуқий асослари ривожлантирилган. Шунингдек, мажмуанинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган ва уни ҳисоблаш тартибига ўзгартиришлар киритилган. Асосий маҳсулотларининг рентабеллик даражаси ва унга таъсир этувчи асосий омиллар, шу жумладан пахта экини ҳосилдорлиги ва унга ҳақ тўлаш даражаси, асосий моддий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари комплекс таҳлил этилган ва баҳоланган. Монографик ишда пахтачилик агросаноат мажмуаси

корхоналарида асосий маҳсулотларнинг рентабеллик даражасини ошириш, маҳсулотлар бирлиги таннархини пасайтириш, сотиш баҳоларини оширишнинг реал имкониятларидан фойдаланиш ҳар томонлама илмий асосланган, шунингдек пахтакор хўжаликларнинг давлат ва қайта ишлаш саноати корхоналари билан ўзаро алоқаларининг иқтисодий механизми ўрганилган.

10. Қудратов Т. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. - Самарқанд. 2008.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни янада самарали ривожлантириш учун уларнинг фаолиятини барча томонларида содир бўлган ва бўлаётган жараёнлар ва уларнинг натижаларини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш натижасида мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш бўйича йул-йуриқларни кўрсатиш зарур. Бу замон талабидир. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда иқтисодий таҳлилнинг роли нисбатда каттадир. Хўжалик юритувчи ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонасининг фаолиятини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш имкониятлари аниқланади. Мавжуд бўлган имкониятларни аниқлаб, улардан самарали фойдаланиш нафақат хўжалик иқтисодиётини, ҳатто мамлакат миллий иқтисодиётни ривожланишида муҳим рол уйнайди. Қўлланмада қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида содир бўлган ва бўлаётган иқтисодий жараёнлар ҳолати ва уларни натижаларини омилли таҳлил этиш ва асосли ҳулосалар қилиш ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш усуллари ва жараёнларнинг қонуниятлари ўрганилган.

11. Муртазаев О., Ғаниев И., Хасанов Ш., Ахроров Ф. Аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалик бозорлари. -Самарқанд. 2009.

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти кўп жihatдан қишлоқ хўжалигининг қандай ривожлантирилганлиги ва унинг самарадорик даражасига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни мамлакат озиқ овқат хавфсизлигини ҳал қилиш, шунингдек,

пахтачилик, тамакичилик, чорвачиликнинг қатор тармоқларини ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришга қўшадиган хиссаси билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг самараси якунда мамлакат иқтисодий салоҳиятини ҳам оширишга хисса қўшади. Кейинги йиллардаги глобал иқтисодий ўзгаришлар бозор иқтисодиёти асосида ривожланиш билан биргаликда, бозор муносабатларини тартибга солишнинг зарурияти, иқтисодий ривожланишни тартибга солишда давлатнинг роли бениҳоя катта эканлигини, яъни Президент таъкидлаганидек: «давлатнинг бош ислохотчи» бўлиши заруриятини тасдиқлади. Ўқув қулланма мазмунан икки қисмдан таркиб топган бўлиб, биринчи қисмда аграр сиёсатни шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган бўлса, иккинчи қисмда, қишлоқ хўжалик бозорларининг моҳияти, турлари, халқаро иқтисодий ташкилотлар талаблари асосида уларни шакллантириш ва ривожлантириш имкониятлари очиқ берилган.

12. Ғ.А.Саматов.,И.Б.Рустамова.,У.А.Шерипбаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти.

Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.

Тошкент-2012.

Дарсликда “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти” фанининг илмий-услубий асослари, агросаноат мажмуасининг мамлакат иқтисодиётининг кўп тармоқли тизимидаги ўрни, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ер-сув ресурслари, меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, қишлоқ қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларни амалга ошириш асослари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестициялар ва уларнинг иқтисодий моҳияти, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари иқтисодиёти ва бошқаруви, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий асослари, ижтимоий ишлаб чиқариш

харажатлари ва маҳсулот таннари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш йўллари, қишлоқ хўжалиги ялпи ва товар маҳсулотларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш, ихтисослаштириш ва интеграция жараёнларининг иқтисодий моҳияти, қишлоқ хўжалигида менежмент ва бошқа муҳим масалалар ёритилган.

2. Туман фермер хўжаликларида ресурслар салоҳияти таҳлили

2.1. Ер ресурслари ва улардан фойдаланиш

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг моддий элементлари орасида ер ресурслари муҳим ўринни эгаллайди. У моддий бойлик яратишнинг дастлабки шарт-шароити ва табиий асоси ҳисобланади. Классик иқтисодчилар, ерни меҳнат воситалари, меҳнат предметлари ва манзилгоҳ жойларни яратувчи буюк лаборатория, хазина эканлигини таъкидлаганлар. Ер ресурслари - буюк ва ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган миллий бойлик. Ер ресурслари, бошқа ишлаб чиқариш воситалардан тубдан фарқ қилгани ҳолда, асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланиб, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодига катта таъсир кўрсатади.

1. Ер табиат маҳсули. Инсон меҳнати тупроқ хусусиятини ўзгартиради, бу унинг меҳнат предмети эканлиги, усимликларнинг ривожланиши ва ўсишга таъсир кўрсатиши унинг меҳнат воситаси эканлиги. Иккаласи биргаликда унинг ишлаб чиқариш воситаси эканлигини билдиради.

2. Ернинг ҳудудий чегараланганлиги ва унинг такрор яратилмаслиги. Ер бошқа ишлаб чиқариш воситалари каби инсоннинг хоҳиши билан кўпайиб қолавермайди.

3. Ерни алмаштириш мумкин эмаслиги. Ерни бошқа ишлаб чиқариш воситалари каби алмаштириб бўлмайди, ундан бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига қараб такомиллашганлари билан алмаштирилади.

4. Ерни силжитиб бўлмаслиги. Ер қаерда жойлашган бўлса, ўша ерда ундан фойдаланиш мумкин, уни бир жойдан бошқа жойга кўчириш мумкин эмас.

5. Ер участкаларининг сифати бўйича турли туманлиги. Ер участкаларига бир хил миқдорда маблаг ва меҳнат сарфланса ҳам олинадиган маҳсулотлар миқдори турлича бўлиши мумкин.

6. Бошқа ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилганда эскиради, ўзининг фойдалилик хусусиятини камайтиради Ўзбекистон Республикасининг барча ер ресурслари ягона ер фондини ташкил этади. Улар мақсадли фойдаланишига қараб, Ўзбекистон Республикаси ер кодексининг 2-бобида кўрсатилганидек қуйидаги категорияларга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;
2. Аҳоли пунктларининг ерлари;
3. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
4. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;
5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;
6. Ўрмон фонди ерлари;
7. Сув фонди ерлари;
8. Давлат заҳира ерлари.

Қуйидаги 2.1.1-жадвалда Нуробод тумани фермер хўжаликларининг ер ресурслари ўзгариши таҳлили келтирилган. Нуробод туман ер майдони 2010 йилда 570000 гектар ерни ташкил этиб, шундан хайдаладиган ерлар 79611 гектар ерни ташкил этиб, 2012 йилда ҳам жами ер майдони ўзгармаган ҳолда хайдаладиган ерлар майдони 76241 гектарни ташкил қилган ёки 3370 гектарга камайган ёки ўсиш даражаси 95.7 фоизни ташкил қилган. Лалми ерлар 2010 йилда 73513 гектар ерни ташкил этиб, 2012 йилга келиб 73514 гектарни ташкил қилган ёки 1 гектарга ошган. Кўп йиллик дарахтлар 125 гектар ерни ташкил қилган бўлиб бу кўрсаткич ҳам 2012 йилга келиб 3 гектарга ошган ва 128 гектарни ташкил қилган, ўрмон ерлари 15 гектар ерни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 17 гектарни ташкил қилган ёки 2 гектарга кўпайган. Яйловлар 2010 йилда 352365 гектар ерни ташкил этиб, 2012 йилга келиб 352362 гектарни ташкил қилган яъни 3 ерга камайган. Бошқа ерлар ҳам 65 гектар ерга камайган.

2.1.1–жадвал

Нуробод тумани фермер хўжаликларининг ер ресурслари ўзгариши таҳлили, га*

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
					+, -	%
1	Жами ер майдони	570000	570000	570000	-	100
2	Шундан: хайдаладиган ерлар	79611	75972	76241	-3370	95,7
3	Сўғориладиган ерлар	6098	6098	6098	-	100
4	Лалми ерлар	76513	76513	76514	1	100
5	Кўп йиллик дарахтлар	125	128	128	3	102,4
6	Ўрмон ерлари	15	16	17	2	113,3
7	яйлов	352365	352365	352362	-3	99,9
8	Бошқа ерлар	137816	137880	137881	-65	100,04

*Манба: Нуробод тумани статистика бўлими маълумотлари.

Қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш хўжалик иқтисодиётини, оқибатда миллий иқтисодиётни ривожланишига сабабчи бўлади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона самарали фойдаланиш - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали мамлакатда озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда ниҳоятда катта рол ўйнайди. Ушбу иқтисодий жараён ахволидан фақат иқтисодий таҳлил орқали хабардор бўлиш мумкин. Ердан самарали фойдаланиш деганда 1 гектар (ёки 100 гектар) ҳисобига етиштирилган маҳсулот ҳажмининг ошишини тушунмоқ керак. Демак, 1 гектар ер майдони ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ошиши хўжалик бўйича ялпи ва соф маҳсулот ҳажмининг ошишига, оқибатда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг кўпайишига, хуллас, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамланишига олиб келади.

2.1.2-жадвал

Нуробод тумани фермер хўжаликларида экин майдони таркиби таҳлили*

№	Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
		Майдон, га	%	Майдон, га	%	Майдон, га	%	Микдорий, +/-	Нисбий, %
1	ғалла	23513	31,1	2060	2,7	11392	14,9	12121	48,4
2	сабзавот	204	0,27	234	0,3	81	0,10	-123	39,7
3	картошка	89	0,11	87	0,11	92	0,12	3	103,,3
4	узум	179	0,23	180	0,23	181	0,23	2	100,1
5	мева	2718	3,6	2719	3,56	2721	3,58	3	100,1
6	полиз	291	0,38	344	0,45	23	0,03	-268	7,9 марта
7	Бошқа экинлар	48454	64,2	70617	92,6	61482	80,9	13028	126,8
	жами	75448	100	76241	100	75972	100	524	100,6

**Манба: Нуробод тумани статистика бўлими маълумотлари*

Нуробод тумани фермер хўжаликларида экин майдонлари 2012 йилда 75972 гектар ерни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 594 гектар ерга ёки 0,6 фоизга ошган. Экин майдонлари таркибида асосий салмоқни ғалла экин майдонлари 2010 йилда 31,1 %, 2011 йилда 31,4 %, 2012 йилда 14,9 % ни ташкил этган.

Ғалладан кейинги ўринда мева майдонлари тураркан, улар 2010 йилда 2718 гектарни ёки жами экин майдонига нисбатан 3.6 фоиз салмоққа эга бўлиб, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 2721 гектарни ташкил қилган, бу мевалар майдони 3 гектарга кўпайгани ёки 0,1 фоизга ошганлигини кўрсатади.Шунингдек жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туман фермер хўжаликларда картошка майдонларини 3 гектарга, узум

майдонларини 2 гектарга кўпайганлигини гувоҳи бўламиз.демак, туманда сабзавот, мева ва узум етиштиришни кўпайиб бораётганлигини кузатамиз.

2.2. Моддий - техника ресурслари ва улардан фойдаланиш

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ҳозирги босқичида мавжуд ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлигини оширишда моддий-техника базасини кенгайтириш қайта ташкил қилиш ва реконструкция қилиш бирламчи аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалигини моддий-техника базаси деганда, қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган барча меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йигиндисига тушунилади. Унинг таркибига ер ресурслари, ишлаб чиқариш иморатлари, иншоотлари, қишлоқ хўжалиги машиналари ва жиҳозлари, транспорт воситалари, маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлари, кўп йиллик дарахтлар, сув ресурслари, уруглик, чорва озуқалари, нефть маҳсулотлари, ўғит, кимё воситалари ва бошқалар киради.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади:

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасида ер асосий роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши бевосита ердан қай даражада фойдаланишга боғлиқ. Ернинг унумдорлиги ҳар хил бўлиб, маҳсулот бирлиги учун ҳар хил миқдорда харажат сарфланади. Бу эса ҳар хил унумдорликка эга бўлган ерларда бир хил миқдорда асосий ва айланма воситаларга эга бўлиш заруриятини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси ҳар доим табиий шароитлар таъсирида бўлади. Қишлоқ хўжалиги ҳудудий характерга эга бўлиб, ҳар бир ҳудудда тупроқ - иқлим шароитлари ҳар хил бўлиши туфайли ҳар хил системадаги машиналардан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун ҳудудларда ва ҳудудлар ичидаги хўжаликларда моддий-техника базасининг таркиби ҳам ҳар хил бўлади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш вақти бир бирига мос келмаслиги туфайли, ишлаб чиқариш мавсумий хусусиятга эга бўлиб, бу моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланишга салбий таъсир этади. Ишлаб чиқариш мавсумий бўлиши заҳира уруғлик, озуқа, ёқилги мойлаш материаллари ва бошқаларга эга бўлиш заруриятини келтириб чиқаради.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг бир қисми жонли организм (ишчи ҳайвонлар, маҳсулдор моллар, паррандалар, кўп йиллик дарахтлар ва ҳоказо)лардан иборат бўлиб, улардан самарали фойдаланиш учун маълум ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмоқлик керак.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалиги тараққий этган транспорт хизмати, сифатли йўл қурилишини амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва сақлаш кўп миқдорда сарфлар қилишни тақозо этади, Шунингдек, ҳар қандай ишлаб чиқариш каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ҳам ишлаб чиқариш воситаларининг меъёрий ҳажмда мавжуд бўлишини тақозо этади.

Ишлаб чиқариш фондлари қишлоқ хўжалигида алоҳида иқтисодий категория шаклида фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш фондларидан республикаимиз миллий даромадининг асосий қисмини ташкил қилади. Ҳозирги пайтда АСМда фойдаланилаётган ишлаб чиқариш фондлари жами халқ хўжалиги фондларининг 35-40% ташкил этади. Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш фондлари жамоа меҳнатининг жамгарилиши бир йўла тўла айланиш — яъни уларни пул шаклидан моддийлашган буюм шаклига, моддийлашган буюм шаклидан товар шаклига, товар шаклидан пул шаклига айланиш - даврида намоён бўлади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий аҳамиятига, қўлланиш усуллари ва хизмат қилиш муддатига қараб асосий ва айланма фондларга бўлинади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари деб, ишлаб чиқариш жараёнида бир неча бор иштирок этиб, ўзининг ташқи кўринишини ўзгартирмайдиган, қийматини маҳсулот таннарихига аста-секинлик билан ўтказиб боровчи воситаларга айтилади. Буларга ишлаб чиқариш бинолари, иншоатлар, машина ва асбоблар, транспорт воситалари, хўжалик ва ишлаб чиқариш инвентарлари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқа, яъни бир йилдан ортиқ ишлатиладиган воситалар киради.

Ҳозирги вақтда амалдаги классификацияга мувофиқ хўжаликлардаги асосий ишлаб чиқариш фондлари ўзининг моддий (натурал) характериға ва ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган хизматиға қараб қуйидаги гуруҳларға бўлинади;

1. Қишлоқ хужалиғига мулжалланган асосий ишлаб чиқариш фондлари (иморат, иншоатлар, ўзатувчи мосламалар, машина ва қуроллар, маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқалар).

2. Қишлоқ хужалиғига мулжалланмаган ишлаб чиқариш фондлари (саноат ишлаб чиқариш воситалари, қурилиш воситалари, савдо ва умум овқатланиш воситалари ва бошқалар).

2.2.1- жадвал

Нуробод тумани фермер хужаликларида асосий фондлар қийматининг ўзгариши*

№	Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2012йил 2010 йилга нисбатан	
		+;-	%	+;-	%	+;-	%	+;-	%
1.	Бино	981753	244	992643	24,3	997542	24,16	15789	101,6
2.	Иншоот	26636,2	0,66	268362	0,65	29711	0,71	3084,8	111,5
3.	Узатиш мосламалари	40736,6	1,01	40891	1,0	41493	1,00	756,4	101,8
4.	Машина ва ускуналар	44810,3	1,11	45900	1,12	46929	1,13	2118,7	104,7
5.	Мебел ва офис жихозлари	4673,6	0,10	4112	0,1	43463	0,10	272,7	106,6
6.	Компьютерлар	4481	0,11	6120	0,14	64325	0,15	1951,5	143,5
7.	Транспорт воситалари	93694,2	2,33	93711	2,29	94131	2,28	436,8	100,4
8.	Махсулдор хайвонлар	2729354	67,9	2731434	66,9	2763214	66,9	33860	101,2
9.	Қўй йиллик усимликлар	85546,9	2,12	86492	2,11	87993	2,13	2446,1	102,8
10.	Бошқа асосий воситалар	52550	12,0	53610	1,3	56478	1,36	3928	107,4
	Жами асосий воситалар	4016336	100	4081749	100	4128269,8	100	111933,8	102,7

*Манба: Нуробод тумани статистика бўлими маълумотлари

Жадвал маълумотларидаги кўриниб турибдики Нуробод туманида жами асосий фондлар 2010 йил маълумотларига кўра 4016336 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 4128269,8 минг сўмни ташкил қилган, уч йил ичида ўсиш 102,7 фоизни ёки 111933,8 минг сўмни ташкил қилган. Бу ўзгаришлар асосан компьютерларнинг 143,5 фоизга, мебел ва офис жихозларининг 106,6 фоизга ошиши, иншоотлар қийматининг 111,5 фоизга ошиши ва машина ва ускуналарнинг 104,7 фоизга ошиши ҳисобига

амалга оширилган. Жадвалдан умумий хулоса шуки туманда таҳлил қилинган уч йиллик маълумотлар шундан далолат берадики, асосий воситалар кундан кунга ошиб бормоқда, айниқса, уларнинг компьютерлар, машина ва ускуналар ҳисобига ошиб бориши қишлоқ хўжалигини саноат асосида жиҳозланиб бораётганлигидан далолат беради.

2.3. Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш

Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг табиий-иқтисодий ресурслар ва манбалари инсон меҳнати ҳисобланади. 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат Кодекси»нинг 1-боб 8-моддасида меҳнатнинг улугворлиги тўғрисида шундай дейилган: «Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади». Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг манбалари инсон меҳнати ҳисобланади. Инглиз иқтисодчиси У.Петти XVII асрда меҳнатни бойликнинг отаси деб атаган. Иқтисодчилар меҳнатни кишилик ҳаётининг асосий шарти эканлигини ва инсоннинг ўзининг ҳам камолотга етишуви меҳнат орқали амалга ошганлигини айтиб ўтган.

Меҳнат – бу инсоннинг мақсадли фаолияти бўлиб, бу жараёнда у табиат предметларини ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиради ва ўзгартиради. Ўз кучини қўшгани ҳолда инсон, меҳнат қуролларидан фойдаланиб, табиат берган материалларни, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган моддий неъматларга, бойликларга айлантиради. Меҳнат жараёни, инсоннинг иш жойида, унинг меҳнат фаолиятининг маълум натижаларига эришишга йўналтирилган ҳаракатларининг тўпламини билдиради. Бу маънода "меҳнат жараёни" тушунчаси, "ишлаб чиқариш жараёни" тушунчасига нисбатан анча тор тушунчадир. Ишлаб чиқариш жараёни ҳар бири маълум бир босқични ва тайёр маҳсулот олишни акс эттирувчи, бир бутун меҳнат жараёнлари

комплекси базасида амалга оширилади. Бундан ташқари, кўп ҳолларда ишлаб чиқариш жараёни, инсон меҳнати иштирокисиз ҳам, табиий омиллар таъсири остида содир бўлади. Меҳнат жараёни, маълумки ўз ичига уч элементни: меҳнат воситаси, меҳнат предметлари ва бевосита инсон меҳнатининг ўзини олади. Ишлаб чиқариш воситаларисиз меҳнат жараёни маъносиз бўлади, ўз навбатида инсон меҳнатисиз ишлаб чиқариш воситалари ҳам ўликдир ва ҳеч нарса ярата олмайди. Кишилар меҳнати ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракат қилишга ва инсоннинг мақсадини амалга оширишга бирга ҳаракат қилишга мажбур қилади. Меҳнат воситалари ва меҳнат предметларини ярата бориб ва табиатга таъсир этиб, инсон, ўзини ҳам ўзгартиради, унинг малакаси, билими ва ишлаб чиқариш тажрибаси ошади. Жамият ривожланиши билан меҳнат воситалари такомиллаша боради, ишлаб чиқариш жараёнига янги-янги иқтисодий ресурслар жалб қилинади. Фан ва техника ўз ривожланишида қанчалик илгарилаб кетмасин, меҳнат жараёнида меҳнат ўзининг етакчилиқ, ҳал қилувчи ролини йўқотмайди.

Меҳнат иқтисодий категория ҳисобланади ва унинг характери ишлаб чиқариш муносабатлари билан аниқланади. Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш шунга йўналтирилганки, бунда ҳар бир ходимдан, меҳнатга худди ёлланма кунбайчидек бефарқ ва маъсулиятсиз эмас, балки пириворд натижага жавобгарлигини сезган ҳолда ёндошиш, муносабатда бўлишни талаб этилади. Охир оқибат бу меҳнатдан узоқлашиш деган ғовни олиб ташлайди. Хўжайин ва ёлланма ходим ўртасидаги асосий фарқлар қуйидагилардан иборат: биринчидан, хўжайин ишлаб чиқариш воситаларига ва мос равишда ишлаб чиқарилган маҳсулотга ҳам мулкдор ва хўжайиндир. Ёлланма ходимда эса бу мулк йўқ; иккинчидан, хўжайиннинг даромадлари (меҳнат ҳақи) пириворд натижаларга боғлиқ ҳолда ва қолдиқ принципи бўйича шаклланади, бошқача сўз билан айтганда, сотилган маҳсулот қийматидан моддий ва бошқа сарф-тўловлар, солиқлар ва бошқалар ажратиб

ташлангандан кейинги даромадлардан шаклланади. Даромадларнинг қолган қисмига хўжайин мустақил эғалик қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат ресурсларининг миқдорига, таркибига, малакасига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларига меҳнатга яроқли эркеклар - 16 дан 60 ёшгача, аёллар - 16 дан 55 ёшгача, шунингдек қишлоқ жойда яшовчи ўсмирлар ва меҳнат қилиш қобилиятини сақлаб қолган нафақахўрлар киради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат ресурслари таркибига

1. Доимий;
2. Мавсумий;
3. Вақтинчалик ишчилар, шунингдек, штатда турувчи;
4. смирлар;
5. Нафақахурлар кирадилар.

Шу жумладан:

1. Доимий ишчиларга - муддатсиз ишга қабул қилинганлар;
2. Мавсумий ишчилар - 6 ойгача муддатга қабул қилинганлар;
3. Вақтинчалик ишчиларга - 2 ойгача муддатга қабул қилинганлар

киритилади.

Меҳнат ресурслари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнини ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлиб ҳисобланади. Қандай ишлаб чиқариш корхонаси бўлмасин, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида асосий ўринни жонли меҳнат омили яъни инсон омили эгаллайди, чунки қай даражада фан – техника тараққиёти ривожланган бўлишидан қатъий назар инсон омилининг иштирокисиз ишлаб чиқариш юзага келмайди, яъни инсон омилисиз ишлаб чиқариш жараёни ҳаракатга келмайди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик корхонасининг меҳнат ресурслари билан таъминланиш ва айниқса улардан фойдаланиш даражасини ўрганиш корхона иқтисодиётининг тараққиёти нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эгадир.

2.3.1-жадвал

Нуробод тумани фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларининг ўзгариши*

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
					+;-	%
1	Мавжуд аҳоли сони.м.киши	61,7	64,1	66,8	5,1	108,2
2	Меҳнатга лаёқатли аҳоли. минг киши	59,8	63,7	66,4	6,6	111,0
3	Банд аҳоли м.киши	45,9	47,3	46,2	0,3	100,6
4	Фермер хўжаликлари аъзолари.киши	1075	1075	1099	24	102,2
5	Ш.ж.:хотин- қизлар,киши	128	128	131	3	102,3
6	доимий ишчилар.киши	1001	1001	1012	11	101,0
7	Ёлланма ишчилар.киши	1174	1174	1187	13	101,1
8	Рахбар ходимлар.киши	407	407	416	9	102,2
9	Фермер хўжаликлари сони	407	407	416	9	102,2

*Манба: Нуробод тумани статистика бўлими маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йил ичида туманда жами меҳнат ресурсларининг ўсиб бориши кузатилмоқда, масалан, 2010 йилда жами меҳнатга яроқли аҳоли сони 59,8 мингкишини ташкил қилган бўлса, 2012 йилга келиб бу аҳоли сони 66,4 минг кишини ташкил қилган, демак тумандаги муҳнатга яроқли аҳоли сони охириги уч йил ичида 6,6 минг кишига ёки 111 фоизга кўпайган.

Фермер хўжаликлари сони 2010 йилда 407тани ташкил қилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 416 тани ташкил қилди. демак улар 9 тага кўпайган., уларда банд аҳоли сони эса 2010 йилда 1075 кишини ташкил

қилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 1099 кишига етган демак ўртача ҳар бир фермер хўжалигига 3 кишидан тўғри келар экан.

Шунингдек фермер хўжаликларида мавсумий ишлайдиган ёлланма ишчилар сони ҳам ортиб бормоқда, маслан, 2010 йилда улар сони 1174 кишини ташкил қилган бўлса 2012 йилга келиб улар сони 1187 кишини ташкил қилган, бу уларни охириги уч йил ичида 101,1 фоизга ошганлигини билдиради.

3. Лалмикор деҳқончиликда ғалла етиштириш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати

3.1. Самарадорлик тушунчаси, мезони, турлари, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбат билан ифодаланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги этапдаги бир қатор хусусиятлари ва доимий ҳаракатдаги омилларнинг йигиндисига боғлиқ. Бир томонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш озиқ - овқат ва хом ашёга бўлган талабнинг ўсиб бориши ва қийинлашиши, маҳсулот сифатига бўлган талабнинг кучайиши, баъзи ишлаб чиқариш ресурсларининг чегараланганлиги, ишлаб чиқариш воситалари қийматининг ўзгариши ва бошқаларни кўрсатиб туради. Бошқа томондан, ҳозирги этапдаги жамиятнинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Мамлакатда тўпланган иқтисодий потенциал, фан ва техниканинг ривожланиши, малакали кадрлар, омманинг активлиги, уларнинг тажрибаси, шунингдек юқори пировард натижаларга омманинг моддий қизиқишининг ўсиши ўсимчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шароит яратади, таннархни пасайтиради ва рентабелликни ошириш имкониятларидан оқилона фойдаланишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақида масала кўрилганда, «Самара» ва «Самарадорлик» - тушунчаларининг бир хил эмаслигини кўзда тутиш керак. «Самара» термини қандайдир жараённинг натижасини билдиради. Умумий кўринишда ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг самараси шаклида унинг вазифаси – ишлаб чиқаришнинг мақсадини амалга оширувчи пировард маҳсулот юзага чиқади. Бир томондан, у ўз таркибига

маълум даврдаги ҳаракатдаги ишлаб чиқариш ресурсларининг моддий натижаси йигиндисини олади, бошқа томондан – ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади фақат бевосита ишлаб чиқарилган моддий бойликларнинг ҳажмида мужассамлашган бўлади.

«Самара»- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шаклида(натура ва пулда) ишлаб чиқариш ресурси, харажат, фойда сферасида эса иқтисодий, шунингдек ходимларнинг яшаш ва ишлаш шароитини ҳам акс эттирувчи социал ўсиш бўлиши мумкин. Лекин самара қанчалик муҳим бўлса ҳам, ўз -ўзидан кишининг меҳнат фаолиятини тўлиқ характерламайди, қандай ресурс (харажатлар)лар эвазига олинганлигини кўрсатмайди. Бир хил самара турли усул билан, ресурслардан турлича даражада фойдаланиш орқали олинган бўлиши мумкин ва аксинча, бир хил ресурс (харажат) лар турли самара бериши мумкин. Шунинг учун эришилган самарани шу самарани олишда қатнашган ресурслар (харажатлар) билан таққослаш зарурияти келиб чиқади. Бундан кўринадики, самара(натижа) деб аталган абсолют миқдор билан бир қаторда яна бир абсолют миқдор – қўлланилган ёки истеъмол қилинган ресурсларни(жорий ишлаб чиқариш харажатлари) ҳажмини билиш зарур. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги иқтисодий самаранинг (натижанинг) ресурсларга(харажатларга) нисбати ёки аксинча усул билан аниқланади:

$$IS = \frac{C(n)}{P(x)} ; \frac{P(x)}{C(n)}$$

Иқтисодий самарадорлик даражаси қандай баҳодаги ресурслар ҳисобига иқтисодий самарага эришилганлигинг билдиради. Самара қанча катта ва харажат шунча кичкина бўлса, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги шунча катта бўлади ва аксинча. Ресурслар ва иқтисодий самарадорлик ўртасида маълум бир алоқа мавжуд. Харажатлар икки хил бўлиши мумкин: жонли ва буюмлашган. Жонли меҳнат, асосий ва моддий айланма воситаларнинг абсолют миқдори ресурслар (харажатлар) сифатида, улар

миқдорининг камайиши ва уларни тежаш – иқтисодий самара шаклида кўринади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги моҳияти, унинг критерияси ва кўрсаткичлари орқали амалга ошади.

Мезоннинг илмий тушунчаси маълум бир белги, баҳо ўлчовини ифодаладиган асосий сифати унинг муҳим хоссасидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги мезони жамиятга керак бўлган ер майдони бирлигидан чиқадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг олинishi шу билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг тежамлилиги ва юқори сифатини таъминлашдир.

Кўрсатилган мезон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мақсадига – тармоқ маҳсулотига аҳолининг ўсиб бораётган талабини тўлароқ қондиришга жавоб беради ва унинг ютуқлари йўлини – ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва интенсивлаштириш асосида системали равишда ишлаб чиқаришни пасайтиришни аниқлаб беради. Шу билан бирга бу мезонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти энг аввало ер ресурслари билан мустаҳкам алоқасини акс эттиради.

Қишлоқ хўжалигида самара ва ресурсларнинг босқич даражасига қараб, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги турларга бўлинади: халқ хўжалиги, тармоқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги, давлат, кооператив корхоналар, ижара коллективлари, деҳқон хўжаликлари самарадорлиги, айрим қишлоқ хўжалик тармоқлари ва маҳсулотлари самарадорлиги, алоҳида ишлаб чиқариш ресурслари, шунингдек алоҳида хўжалик тадбирлари агротехник, зоотехник, ветеринария, техника, иқтисодий ташкилий муносабатлар ва бошқаларнинг самарадорлиги аниқланади.

Халқ хўжалиги самарадорлиги озиқ-овқатга бўлган истеъмолини қондириш, саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, тармоқни умумдавлат, халқ хўжалик топшириқлари ва муаммоларини хал қилишда молиявий ҳиссаси нуктаи назаридан баҳоланади. Тармоқ самарадорлиги ресурслар потенциалидан фойдаланишда, халқ хўжалигининг шу тармоғида

самара (натижа) ва ресурс (харажат) ўртасидаги эришилган нисбатнинг натижасини акс эттиради.

Давлат ва кооператив корхоналар, ижара жамоалари, деҳқон хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги тармоқ самарадорлиги бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш самарадорлиги деҳқончилик, чорвачилик ва шу тармоқлар маҳсулотлари – ғалла, пахта, картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқаларнинг пировард иқтисодий натижаларини характерлайди.

Янги шароитда, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш жараёнида амалга ошириладиган турли хўжалик тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш анча муҳим ҳисобланади. Бундай тадбирлар жумласига экин майдонларининг турли таркиби, қишлоқ хўжалигининг янги навлари, илғор технология ва алоҳида агротехник тадбирлар (тупроқни ишлаш, экиш, ҳосилни йиғиш ва бошқа усуллар), ҳайвонларнинг янги зоти, пода структураси, озиклантириш рационини ва бошқаларнинг самарадорлиги киради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорликни аниқлашда объектив иқтисодий қонунларни моддий ишлаб чиқаришнинг шу тармоғида кўриниш шакллари ифодаладиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлар тизимининг амалий аҳамияти, ишлаб чиқариш ресурслар самарадорлигини умумлашган ҳолда акс эттиришдан, унинг мезонининг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларида фойдаланишни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими асослаш, турли характерда иқтисодий самарани ўлчаш ҳамда турли характердаги ресурслар ва харажатларни ўлчаш сифатида ҳам зарурдир. Улар ўзининг иқтисодий табиати билан ҳам ва ҳар доим ҳам таққослаб бўлмаслиги билан ҳам фарқ қилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари хусусий ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлинади. Хусусий кўрсаткичларга,

махсулот ҳажми ва маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги, ер қайtimi, фонд қайtimi, материал қайtimi, маҳсулот таннарни ва шуларга тескари кўрсаткичлар киради. Бу кўрсаткичлар натижа сифатида, саноатнинг хом-ашёга, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини анча тўлароқ қондиришга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мақсадини анча тўлароқ акс эттиради. Шунини таъкидлаш лозимки, умумий самара фақат ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори билан эмас, балки қўйилган мақсадга боғлиқ ҳолда, бошқа ҳажм кўрсаткичларга ҳам эга. Масалан: ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш самарасини бош вазифа-истеъмол қиймат яратиш нуқтаи назардан; товар маҳсулот-қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ижтимоий эҳтиёжни қондириш нуқтаи назаридан; соф маҳсулот(ялпи даромад) - такрор ишлаб чиқаришнинг икки томони – истеъмол ва жамғариш - бирлигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблаш учун; фойда ва соф даромад - ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмол қийматга бўлган манфаатини қондириш нуқтаи назаридан характерланади.

Шу билан бирга, кишиларнинг истеъмолини қондириш даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат миқдorigа эмас, балки сифатига ҳам боғлиқ. Маҳсулот сифатини яхшилаш бир томондан озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорининг кўпайганлигини билдирса, енгил саноат учун қишлоқ хўжалик хом-ашёсининг сифатининг яхшиланиши аҳолининг кенг истеъмол буюмларига бўлган талабини тўлароқ қондиришга имконият яратади.

Меҳнат унумдорлиги ёки меҳнат қайtimi маълум вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдorigа сарфланган жами меҳнат харажатларининг самарадорлигини характерлайди. Ер қайtimi қишлоқ хўжалигида бош ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Фонд қайtimi қишлоқ хўжалигига таалуқли асосий ишлаб чиқариш воситаларида мужассамлашган, буюмлашган меҳнат харажатлардан қай даражада самарали фойдаланаётганлигини кўрсатади. Материал қайtimi барча турдаги моддий ресурслардан, шу жумладан

буюмлашган меҳнат харажатларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Маҳсулот бирлиги таннархи умумлашган ҳолатда жами истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини характерлайди, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қандай даражадаги харажатлар ҳисобига ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади.

Алоҳида ресурслар ва харажатлардан фойдаланишни характерлайдиган бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши абсолют самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари. Масалан: асосий фонд қайтимида, алоҳида трактор, комбайн, маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа; айланма фонд қайтимида, алоҳида уругдан фойдаланиш, ем-хашак, ёқилғи-мойлаш материалларидан фойдаланиш бўйича ҳам ўрганилади. Демак, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бир томондан ишлаб чиқариш ресурслари ва самара (натижа) ўртасидаги нисбатни ва бошқа томондан, жорий ишлаб чиқариш харажатлари билан самара ўртасидаги нисбат ифодалайди, бу ишлаб чиқариш самарадорлигининг иккита концепциясини – ресурс ва харажат вужудга келтиради. Ресурс концепцияси - такрор ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, харажатлар концепцияси - шу ресурсларнинг истеъмол қилинган қисми самарадорлигини баҳолашга имкон беради. Мақсадга қараб ресурс ёки харажатлар концепцияси ёки икковидан ҳам бир вақтда фойдаланилиниш мумкин.

Қабул қилинган самарадорликни концепциясиларига мос равишда кўрсаткичлари ҳам аниқланади:

1 та ходимга, 1 киши/соатига, 1 га қишлоқ хўжалик яроқли ерга, 100 сўмлик асосий воситага, 100 сўмлик оборот воситаларига тўғри келган самара қўлланилган ресурслардан фойдаланишни самарадорлигини характерлайди. 100 сўм иш ҳақиға, амортизация ажратмасига, моддий айланув воситаларига ҳамда маҳсулот таннархига тўғри келган маҳсулот

таннархга киритилган барча бевосита ва билвосита харажатлари самарадорлигини ифодалайди.

Келтирилган хусусий кўрсаткичлар, маълумки умумий самара (натижани)ни алоҳида ишлаб чиқариш ресурслари харажат тури миқдорига нисбатини аниқлайди. Лекин ишлаб чиқариш жараёнида умумий самара (натижа)нинг вужудга келишида алоҳида ресурс(харажат)лар қатнашади. Демак, ҳар бир ресурс (харажат) умумий самара (натижа)нинг вужудга келишида иштирок этади. Бу услубий жиҳатдан маълум даражада хато бўлса ҳам, умумий самара ана шу ишлаб чиқариш ресурсларининг биргаликдаги фаолиятининг натижасидир. Шунинг учун ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳар томонлама ва аниқ баҳолаш учун, алоҳида усулда ҳисобланадиган кўрсаткичларни, ҳар бир ишлаб чиқариш ресурсининг умумий самарани яратишдаги ролини ва уларнинг ишлаб чиқариш пировард натижасига таъсирини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар билан тўлдириш лозим. Бунинг учун эластиклик, детерминация коэффицентларидан, шунингдек, иқтисодий-математик моделидан фойдаланиш керак бўлади.

Ҳисоблаш ҳар қанча мураккаб бўлса ҳам, битта умумлаштирувчи шундай кўрсаткич керакки, у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини миқдорий жиҳатдан тўлиқ баҳолайдиган бўлиши керак. Бу вазифани бажариш учун умумлаштирувчи кўрсаткич маълум бир қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. У ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий қонунларидан келиб чиқиши керак;
2. У ишлаб чиқаришнинг пировард натижасини жами ресурслар ёки жами харажатлар билан таққослашни таъминлайдиган кўп факторли бўлиши керак;
3. Бу кўрсаткич самарадорликни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг турли даражаларида, ижара коллективларидан бошлаб бир бутун қишлоқ хўжалиги бўйича очиб беришиш керак;

4. Бу кўрсаткич билан ҳисоблаш методик нуқтаи назаридан оддий ва қулай бўлиши керак.

Юқорида баён қилинган, ишлаб чиқариш самара (натижа)си ва ишлаб чиқариш ресурс (харажат)лари тўғрисидаги асосий методологик шароитларга мос, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичга бўлган талабни ҳисобга оладиган кўрсаткич ресурс қайтими (ресурс сизими) ҳисобланади. У қўлланилган ресурслар потециалидан фойдаланишнинг самарадорлигини характерлайди. Харажатлар концепциясининг самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичи – рентабеллик ҳисобланади ва истеъмол қилинган ресурсларнинг қайтимини ифодалайди. Қўйидаги жадвалда Нуробод тумани фермер хўжаликларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари тахлили келтирилган.

3.1.1 -жадвал

Нуробод тумани фермер хўжаликларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
						+, -	%
1	Экин майдони	га	75448	76241	75972	524	100,6
2	Меҳнат ресурслари	киши	1074	1074	1099	25	102,3
3	Асосий фондлар қиймати	м, сўм	4016336	4081749	4128269	111933,8	102,7
4	Маҳсулот ишлаб чиқариш:						
-	Ғалла	ц	25320	46030	123230	97910	4,8марта
-	Сабзавот	ц	40000	50810	72450	32450	1,8марта
-	Пахта	ц	34900	37770	33660	1240	96,4
-	Полиз	ц	45600	140750	107340	61740	2,3марта
-	Мева	ц	20050	59380	54720	34670	2,7марта
-	Узум	ц	12800	15970	24250	4200	1,8марта
5	Жами пул даромади	минг сўм	9893000	12476000	17560000	7667000	1,7марта
6	Жами харажат	минг сўм	8623000	10128000	14784000	6161000	1,7марта
7	Фойда	минг сўм	1270000	2347000	2776000	1506000	2,1марта
8	Рентабеллик даражаси	%	14,7	23,2	18,8	4,1 пункт	

Манба: Нуробод тумани статистика бўлими маълумотлари

3.1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туманда экин майдонлари 2010-2012 йиллар давомида 524 гектарга кўпайган бўлиб унда ўсиш даражаси 100,6 фоизни ташкил этади. Пахтана бошқа барча маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ҳам ўсишга эришилган, масалан, ғалла ишлаб чиқариш қарийб 5 бараварга ошган бўлса, сабзавот ишлаб чиқариш охирги уч йил ичида 1,8 мартага ошган бўлиб, 2012 йилда бу маҳсулот миқдори туман бўйича 72450 центнерни ташкил қилган.

Шунингдек туманда полиз, мева ва узум ишлаб чиқариш миқдорини ҳам йилдан йилга ушиб борганлигини кузатамиз. 2010 йилда жами қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишдан тушган пул тушуми 9893000 минг сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 17560000 минг сўмни ташкил қилди ва бу 2010 йил кўрсаткичига нисбатан 1,7 мартабага кўпайганини билдиради, ўсиш даражаси 1,7 мартабага ташкил қилган.

Шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш таннархи ҳам ошганлигини гувоҳи бўламиз ва рентабеллик даражасини таҳлил қилганимизда, уни 2010 йилда 14,7 фоиз бўлганлигини ва 2012 йилга келиб 18,4 фоиз бўлганлигини кузатамиз, туман фекрмер хўжаликлари рентабеллик даражаси таҳлил қилинган даврда 4,1 пунктга ошганлигини кузатамиз.

3.2. Ғаллачиликда ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳозирги ҳолати таҳлили

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги кўп ва турли туман омиллар ва шароитлар таъсири остида шаклланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммосининг қийинлиги шундан иборатки, бу омиллар бир-биридан алоҳида мустақил ҳаракат қилмайди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳар бир сўм харажатга ва қўлланилган ресурсларга кўпроқ маҳсулот ва фойда олиш демакдир. Бу эса бутун халқ хўжалиги учун ҳам, қишлоқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамиятга эга:

1. Маҳсулот бирлигига меҳнат ва ресурслар қанча кам сарфланса, мавжуд ресурслардан кўпроқ маҳсулот олинади ва улар арзон бўлади.

2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш катта иқтисодий самара беради. Агар республика бўйича меҳнат унумдорлиги 1% га оширилса, ҳисоб-китобларга қараганда бир йилда қўшимча 0,3 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти олинади. Шунингдек маҳсулот таннарини 1% га тушуриш ҳам тахминан 0,2 млрд. сўмлик ялпи фойда келтиради. Асосий ишлаб чиқариш фондларини самарадорлигини 1% га ошириш эса 0,6 млрд. сўмлик капитал қўйилганини камайтиради.

3.Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлиги қишлоқ хўжалик хом ашёсидан тайёрланадиган озиқ-овқат ва кенг истеъмол буюмларига кўйиладиган баҳоларнинг даражаларига ҳам боғлиқ. Чунки харажат кам бўлса, эркин баҳолар ҳам бозорда пастроқ бўлади.

4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш хўжаликларнинг даромадининг кўпайишга ва рентабелликнинг ошишига олиб келади. Қанча кўп сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқарилса ва сотилса, ишлаб чиқарувчиларнинг даромад кўпаяди, кўпроқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, меҳнат ҳақини оширишга ва маданий-маиший шароитларга маблағ ажратилади

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туманда ғалла етиштириш асосан лалмикор ерларда амалга оширилишини ҳисобга олсак. 2010 йилда жами 23940 гектарга ғалла экилган бўлса 2012 йилга келиб жами ғалла майони 8435 гектарни ташкил қилган, бу 2010 йилга нисбатан 15505 гектарга камайганлигини кузатамиз, бу йилнинг кам ёғингарчилик билан ўтганлигидан далолат беради.

Лекин ҳосилдорлик кўрсаткичини таҳлил қилинган йиллар давомида 4 центнерга кўпайганини кўрамиз, ялпи ҳосилни эса майдон қисқариши ҳисобига 13,05 минг тоннага камайиб кетган.

3.2.1 -жадвал

Нуробод туман фермер хўжаликларида ғаллачилик тармоғида асосий иқтисодий кўрсаткичлар*

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
						+, -	%
1	Ғалла экилган майдон	минг га	23,94	2,060	8,43	-15,5	35,2
2	Ҳосилдорлик	ц/га	10,6	22,3	14,6	4	137,7
3	Ялпи ҳосил	минг тонна	25,37	4,60	12,32	-13,05	48,5
4	Жами харажат	млн сўм	4723	2075	4102	-621	86,8
5	Жами даромад	млн сўм	5207	2163	4190	-1017	80,4
6	Фойда(+), зарар(-)	млн сўм	484	89	88	-396	18,2
7	Рентабеллик даражаси	%	10,2	4,3	2,1	-8,1 пунктга	
8	1 га ерга қилинган харажат	минг сўм	197	1007	486	289	2,4марта
9	1 га ердан олинадиган даромад	минг сўм	217	1050	497	280	2,3марта
10	1 га ердан олинадиган фойда	минг сўм	20	43	10	-10	50
11	1 тонна ғалланинг таннари	минг сўм	186	451	333	147	1,8марта
12	1 тонна ғалланинг сотиш баҳоси	минг сўм	206	470	340	137	165,0

*Манба: Нуробод тумани статистика бўлими маълумотлари

3.2.1-жадвал маълумотларидан яна шу нарса кўриниб турибдики, 2010 йилда 1 гектар ғалла майдонига 197 минг сўм харажат қилинган бўлиб, 2012 йилга келиб эса бу кўрсаткич 486 минг сўмни ташкил қилган, яъни 2.4 мартага ошиб кетган.

Шунингдек ғаллачиликда 1 гектар майдондан олинган даромад 2010 йилда 217 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 497 минг сўмни ташкил қилган, демак 2.3 мартабага ошган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, таннархнинг ўсиши даромадларнинг ўсишидан кўпроқ бўлиши 1 гектардан олинadиган фойдани камайишига ва охир оқибатда рентабелликни ҳам пасайишига сабаб бўлган.

Бундан ташқари 1 тонна ғалланинг таннархини ошишини охириги уч йиллик маълумотоар асосида таҳлил қилганимизда унинг 2010 йилда 186 минг сўм бўлганлигини ва 2012 йилга келиб 333 минг сўмни ташкил қилгани кўрамиз, бу эса ўсиш даражаси 1.85 мартабани ташкил қилганини кўрамиз, 1 тонна ғаллани сотиш баҳосини таҳлил қилганимизда эса 2010 йилда унинг 206 минг сўм бўлганини ва 2012 йилга келиб бу кўрсаткичнинг 340 минг сўм бўлганлигини кузатамиз. бунда ўсиш даражаси 1.65 мартабани ташкил қилади бу эса таннархга нисбатан камроқ ошганлигини билдиради ва рентабеллик даражасини пасайишига олиб келади.

Келгуси бўлимларда самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга таъсир этувчи омилларни ўрганишни мақсад қилиб қўйганмиз ва келгусида маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш учун қатор таклифлар беришга ҳаракат қиламиз.

4. Лалмикор деҳқончиликда ғалла етиштиришнинг самарадорлигини ошириш йуллари

4.1. Ғалла ҳосилдорлиги ва уни ошириш йўллари

Ўзбекистонда суғориладиган ғалла майдонларини кенгайтириш учун унумдорлиги юқори ер ва сув ресурслари чегараланган. Лалмикор ерларда ғаллачиликни ривожлантириш барқарор самара бермайди, айниқса, қурғоқчилик йиллари ҳосилдорлик бозор иқтисодиёти қонунлари ва механизмлари талабларига мос келмайди.

Республика шароитида ғаллачиликнинг барқарор социал-иқтисодий самарадорлигини ошириш учун даставвал барча турдаги ғалла экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг реал имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш зарур. Бу борада илғор корхоналарда анчагина ютуқлар қўлга киритилган. 2000-2002 йилларда Андижон вилояти бўйича суғориладиган майдонларда ўртача ҳосилдорлик 70-75 ц.ни ташкил этган, илғор ширкат ва фермер хўжаликларида гектаридан 90 ц. ва ундан ортиқ буғдой ҳосили олинган.

Барқарор юқори ҳосил олиш комплекс технологик ишларни сифатли ва қисқа муддатларда бажаришни талаб этади.

Кузги бошоқли ғалла сифатли ҳайдалган ерларга оптимал муддатларда экилади. Кўпчилик буғдой навларини сентябрнинг охиридан иккинчи ўн кунлигида экиш тавсия этилади. Улар эртароқ экилганда қиш тушгунча найчалаш фазасига ўтиши мумкин. Қиш мавсуми нисбатан илиқ келган йиллари улар ўсишини давом эттиради ва бошоқлаш фазасини тезлаштиради.

Одатда, республиканинг шимолий минтақаларида оптимал экиш муддатлари эрта, жанубий вилоятларда кечроқ бўлади. Бунда ҳар бир вилоят, туман учун айрим навларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олиб оптимал экиш муддатларига аниқлик ҳам киргизилиши мумкин. Кўплаб ўтказилган тажрибалар бир хўжаликда бир неча серҳосил навларни экиш мақсадга мувофиқлигини курсатмоқда. Олдин биологик кузги навлар, кейин дуварак, бахорги навлар экилади. Арпа буғдойдан кейин экилади, чунки арпа буғдойга нисбатан тезроқ ривожланади. Экиш муддати оптимал муддатларда

ўтказилиши мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланишга шароит яратади.

Республикамизда серҳосил, касалликларга, зараркунандаларга, ётиб қолишга, табиатнинг бошқа ноқулай омилларига чидамли, дон сифати юқори буғдой ва арпанинг суғориладиган ерларда экишга мўлжалланган интенсив типдаги навларини экиш тавсия этилади. Бундай навлар давлат реестридан ўтказилишидан олдин Давлат нал синаш тажриба станцияларида ёки участкаларида ягона услуб бўйича синалади, ҳамда олдиндан экиб келинаётган навлардан ҳосилдорлик ва бошқа кўрсаткичлари бўйича устунлик қилса, нал синалган тупроқ-иқлим минтақасида экиш учун давлат реестридан ўтказилади. Хужаликларда фақат Давлат реестридан ўтган ёки истиқболли навлар экилиши лозим. 2000-2005 йилларда Давлат реестридан қўйидаги юмшоқ буғдой навлари ўтган ва туманлаштирилган. Сангзор, Шердор, Ёнбош, Маржон, Сангзор-4, Унумли буғдой, Скифянка, Юна, Безостая-1, Спартанка, Интенсив, Сете-церрос-66, қаттиқ буғдой навларидан- Александровка, Бахт ва бошқалар, шунингдек, арпа навларидан, Темур, Мароканд, Бобур ва бошқалар.

Бу навлардан нал синаш участкаларида 40-50 центнердан 80-90 центнергача ҳосил олинган. Хўжаликларда ҳар қандай нал узоқ йиллар давомида экилса, уруғларнинг қимматли хусусиятлари пасайиб боради. Шунинг учун ҳар 3-4 йилда навларни янгилаш зарур.

Режалаштирилган ҳосилга, тупроқнинг агрокимёвий кўрсаткичларига, ўсимликнинг нам билан таъминланиш даражасига қараб минерал ва органик ўғитлар миқдори аниқланади. Ўзбекистон шароитида суғориладиган ерларда 1 тонна буғдой ва шунга мувофиқ сомон ҳосили олиш учун, туманлаштирилган навларга 34-37 кг. азот, 11-12 кг. фосфор, 23-25 кг. калий солинади. Одатда улардан фойдаланиш даражаси об-ҳаво, тупроқ шароити, налнинг биологик хусусияти, экиш муддати, туп қалинлиги ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

Буғдойдан юқори ҳосил олишнинг реал имкониятларидан бири алмашлаб экишдир. Кузги буғдойни икки йилдан ортиқ жойлаштириш, далада бегона ўтларнинг, касалликларнинг ҳамда зараркунандаларнинг кўпайишига, тупроқ унумдорлигининг, бинобарин ҳосилдорликнинг пасайишга ва дон сифатининг бузилишига олиб келади. Айниқса кузги буғдой уруғлик учун экилганда уни бошоқли дон экинларидан кейин жойлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди.

Кузги буғдой учун беда ва бошқа чорва озуқа экинлари, картошка, сабзавот ва дуккакли дон экинлари самарали ўтмишдош ҳисобланади. Айти пайтда шу экинлар учун кузда экилган буғдой ҳам ўз навбатида ўтмишдош экиндир.

Узоқ муддатларда буғдой-ғуза алмашлаб экишининг жорий этилиши тупроқ унумдорлигини пасайишига олиб келади, натижада меъёрдан ортиқча минерал ўғитлардан фойдаланишга зарурият туғилади, ернинг экологик ҳолатлари ёмонлашади ва ҳоказо.

Юқори ҳосил олиш омилларидан яна бири уни қисқа муддатларда йиғиб-териб олишдир. Масалан, кузги буғдой пишиб етилгач 8-12 кунда ўриб-янчиб олиниши зарур. Агар унинг муддати кечиктирилса ҳосилнинг бир қисми nobуд бўлади (далаларда қолиб кетади). Айрим хўжаликларда nobуд бўлган ҳосил сифатли суғориш ва ўғитлашдан олинadиган қўшимча ҳосилдан ҳам кўп бўлади ва тармоқнинг самарадорлигини кескин пасайтиради.

Ҳосилни йиғиштиришда комбайнлардан гуруҳ усулида фойдаланиш самарали ҳисобланади. Анғиз экинлари тупроғини тайёрлаш энг қулай муддатларда ўтказилади, уларни экиш муддати қисқаради ва ҳосилдорлиги ошади.

Демак, юқори ҳосил яратиш учун барча технологик жараёнлар ўз вақтида ва сифатли утказилиши зарур. Чунки, одатда самарадорлик ҳосилни яратиш, йиғиб олиш билан бевосита bogлиқдир.

Энди туман фермер хўжаликлари мисолида охириги уч йиллик маълумотлар асосида ғалла ҳосилдорлигин амалдаги маълумотлар асосида таҳлил қилиб кўрамиз.

4.1.1 - жадвал

Нуробод туман фермер хўжаликларида ғалла ҳосилдорлиги ўзгариши*

№	Кўрсаткич-лар	Ўлчов бир-лиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
						Микдорий, +/-	Нисбий, %
1	Ғалла экилган майдон	минг га	23,490	20,500	8,435	-15,505	35,2
2	Ялпи ҳосил	минг тонна	25,376	4,603	12,323	-13,05	48,5
3	Ҳосилдорлик	ц/га	10,6	22,3	14,6	4	137,7

* Манба: Нуробод тумани статистика бўлими маълумотлари

4.1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики туман фермер хўжаликларида ғалла ҳосилдорлиги йиллар давомида ўзгариб келган, масалан, 2010 йилда ҳосилдорлик 10,6 центнерни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб 22,3 центнерни ташки қилган ва 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 14,6 центнерни ташкил қилган.

Ҳосилдорликнинг пасайиши асосан экин майдонларининг ҳисобига содир бўлган, масалан, 2010 йилда ғалла экилган майдонлар 23490 гектарни ташкил қилган бўлса , бу кўсаткич 2012 йилга келиб 8435 гектарни ташкил қилган холос. Мана шу экин майдонининг қисқариши ҳисобига амалдаги ҳосилдорлик билан ҳисоблаганда 219803 центнер ғалла кам етиштирилган. Бу эса фермерлар қўшимча равишда 7473302 минг сўм даромад ололмаганлигидан далолат беради.

4.2. Мехнат унумдорлиги ва уни ошириш йуллари

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги, ходимларнинг бир бирлик вақтда маълум бир миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф қилган аниқ меҳнат қобилиятини акс эттирувчи, иқтисодий категориядир. Алоҳида турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун, натурал бирликда, яъни центнерда ҳисобланилади. Алоҳида (деҳқончилик, чорвачилик) тармоқларида ёки бутун қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун, улар турли маҳсулот бўлганлиги учун, қиймат шаклида пулда ҳисобланилади. Бу мақсад учун жорий ёки харид, шунингдек таққослама баҳолардан фойдаланилади. Турли шаклдаги хўжаликларда, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти қийматини ҳисоблашда жорий баҳолардан фойдаланилади. Бир неча неча йиллик маҳсулот қийматини динамикада ўрганишда таққослама баҳолар қўлланилади.

Таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида пулда баҳоланган ялпи маҳсулот кўрсаткичини меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун фойдаланиш меҳнат харажатлари самарадорлиги ҳақида етарли даражада тўлиқ ва объектив тасаввур бермайди. Чунки ялпи маҳсулотда такрорий ҳисоб-китоблар, маҳсулотнинг товар бўлмаган қисмининг қийматини пасайтирилиши, материал сифимининг таъсири ва бошқалар каби камчиликлар борки, улар меҳнат унумдорлиги даражасини ва динамикасини бузиб кўрсатади. Бу эса маҳсулотнинг меҳнат сифимини пасайтиришга ва сифатини оширишга ундамайди. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини анча аниқ ҳисоблаш учун ялпи маҳсулот(ЯМ)дан эмас, балки соф маҳсулот(СМ)дан фойдаланиш тавсия этилади. Чунки янгидан яратилган қийматда такрорий ҳисоб-китоблар ва моддий харажатларнинг таъсири камаяди. Соф маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш алоҳида бир хўжаликда меҳнат харажатлари самарадорлигининг аниқ даражасини акс эттиради. Ҳозирги шароитда бу кўрсаткич иш кучидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари тизимида биринчи даражали аҳамият касб

этади. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда меҳнат харажатларини ўлчаш учун иш вақтининг давомийлигидан фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигида иш вақти бирлиги сифатида, соф иш вақти харажатларини акс эттирувчи, киши/соатлари, бир ходимнинг иш куни(киши/кунлари) ва йил давомида иш вақтини йиғиндисини акс эттирувчи, ходимларнинг ўртача йиллик сонидан фойдаланилади. Меҳнат унумдорлиги (МУ) даражаси натура ёки қиймат шаклидаги қишлоқ хўжалик маҳсулоти турининг миқдорини (ММ) ёки бажарилган ишлар ҳажмини (ИХ) ёхуд маҳсулот қийматини (МҚ) шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти миқдорига (ИВМ) бўлиб топилади. Шундай қилиб, меҳнат унумдорлигининг асосий кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$МУ = \frac{ММ (ИХ) \text{ ёки } МҚ}{ИВМ}$$

Юқорида келтирилган нисбатнинг тескари кўрсаткичи маҳсулотнинг меҳнат сиғими дейилади ва қуйидагича аниқланади:

$$МС = \frac{ИВМ}{ММ (ИХ) \text{ ёки } МҚ}$$

Маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф қилинган меҳнат харажатларини 2 гуруҳга бўлиш қабул қилинган:

1. Жонли меҳнат харажатлари. Бевосита қишлоқ хўжаликда иштирок этаётган ходимларнинг иш вақти;

2. Буюмлашган меҳнат харажатлари. У ўз ичига машина, минерал ўғитлар ва бошқаларда буюмлашган саноат ходимларининг меҳнатини ҳамда ишлаб чиқаришнинг олдинги босқичларида ва уруг, ем-хашакда ва қишлоқ хўжалигидан чиқадиган меҳнат предметларида буюмлашган меҳнат харажатларини олади. Қишлоқ хўжаликда жонли меҳнат харажатлари 2 га бўлинади:

1. Бевосита;
2. Билвосита.

1). Бевосита харажатлар - маълум бир экин ёки чорва турларига хизмат қилувчи, деҳқончилик ва чорвачилик ходимларининг меҳнат харажатлари. Маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашиш даражаси нуқтаи назаридан бевосита меҳнат харажатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳаракат қиладиган ижтимоий меҳнатнинг таркибидаги фаол ва катта ҳажми ташкил қиладиган меҳнат массасини ифодалайди;

2). Билвосита харажатлар - бевосита ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган, балки ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, бошқаришда ва алоҳида тармоққа хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат харажатлари. Ҳозирги вақтда, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлаш учун фақат бевосита меҳнат харажатлари(технологик меҳнат сифими)ни олиш қабул қилинган.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини характерлайдиган кўрсаткичлар классификацияси қуйидагича:

I. Асосий кўрсаткичлар:

1). Натурал:

- а). 1 ходимга тўғри келган маҳсулот миқдори;
- б). 1 киши/соатига тўғри келган маҳсулот миқдори;
- в). 1 ц - маҳсулотнинг меҳнат сифими;

2). Қиймат:

- а). 1 ходимга тўғри келган ялпи ёки соф маҳсулот қиймати.
- б). 1 киши/соатига тўғри келган ялпи ва соф маҳсулот қиймати.
- в). 100 сўмлик ялпи ва соф маҳсулотнинг меҳнат сифими.

II. Қўшимча кўрсаткичлар:

1). Ягона кўрсаткичлар:

- а). Иш кунида бажарилган ишлар ҳажми, соат;
- б). Алоҳида иш турлари бўйича 1 ходимнинг бажарган иши ёки ишлаб чиқарган маҳсулоти;
- в). 1 бирлик иш ҳажмини бажаришга кетган меҳнат харажатлари.

2). Умумий кўрсаткичлари:

- а). 1 ходимга тўғри келган экин ва ҳайвонлар;
- б). 1 га экин майдонига ва бир бош ҳайвонга сарфланган меҳнат харажати;
- в). Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлиги.

Меҳнат унумдорлигининг асосий кўрсаткичлари олинган маҳсулот миқдори ва сарфланган иш вақти ўртасидаги нисбатни акс эттиради, жонли меҳнат харажатлари самарадорлигини етарлича тўлиқ характерлайди. Маҳсулотни ҳисобга олиш ва баҳолаш услуби бўйича улар натура ва қиймат, тармоқ ва маҳсулот турини қамраш даражаси бўйича ягона ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлинади. Ягона кўрсаткичлар алоҳида ёки бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш меҳнат унумдорлигини характерлайди, умумлаштирувчи кўрсаткич эса бир бутун қишлоқ хўжалиги ёки унинг алоҳида тармоқ(деҳқончилик, чорвачилик)ларида меҳнат унумдорлигини характерлайди. Ягона кўрсаткичлар натурал кўрсаткичлар билан, умумлаштирувчи кўрсаткичлар қиймат кўрсаткичлар билан мос тушади. 1 ходим ҳисобига тўғри келган маҳсулотни ифодаловчи кўрсаткич йиллик меҳнат унумдорлигини, иш вақтининг йиллик сарфланиши самарадорлигини акс эттиради, 1 киши/соатига тўғри келган маҳсулот эса, соатлик меҳнат унумдорлигини, яъни сарфланган соф иш вақти самарадорлигини акс эттиради.

Меҳнат унумдорлигининг натурал кўрсаткичлари қиймат кўрсаткичларига нисбатан бир қатор қулайликларга эга. Улар маҳсулот асортиментидаги таркибий ўзгаришларга таъсир этмайди, улардан алоҳида технологик операциялардаги меҳнат харажатларини баҳолаш учун фойдаланиш имкониятини беради ва жонли меҳнатнинг реал сарфларини акс эттиради. Чунки уларнинг учёти шартли қиймат ўлчови орқали эмас, балки бевосита иш вақти бирлигида амалга оширилади. Аммо натурал кўрсаткичларда маҳсулот сифати тўлиқ ўз аксини топмайди.

Меҳнат унумдорлиги асосий кўрсаткичларининг, хоҳ натурал, хоҳ қиймат шаклда бўлмасин, қамчилиги шундаки, уларни фақат тўлиқ йил учун ҳисоблаш мумкин. Чунки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг

мавсумийлиги туфайли меҳнатнинг пировард натижаси фақат хўжалик йили тугагандан кейин маълум бўлади. Ҳақиқатда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг оралиқ операцияларида меҳнат харажатлари самарадорлиги устидан оператив назорат учун ҳар қандай бир вақт давомида эришилган ҳажмини ҳам билиш зарур. Бу мақсадлар учун қўшимча кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улар меҳнат харажатлари самарадорлигини тўлиқ характерламасалар ҳам, технологик жараёнларнинг оралиқ операцияларида индивидуал меҳнат унумдорлигини: 1 иш кунида ёки 1 киши/соатида бажарилган иш ҳажми, ёки 1 бирлик иш ҳажмини бажариш учун кетган меҳнат харажати ифодалайди.

Қўшимча кўрсаткичларни ягона ва умумий кўрсаткичларга бўлиш мумкин. Ягона кўрсаткичлар аниқ иш тури ҳажми ва уни бажариш учун кетган меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбатни ифодалайди. Ягона кўрсаткичлардан умумий кўрсаткичлар ташкил топади – маълум бир экин тури гектарига ва маълум бир ҳайвон бошига тўғри келган меҳнат харажатлари. Қишлоқ хўжалигида жонли меҳнат харажатларидан фойдаланиш самарадорлигини яна маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари ҳам билвосита характерлайди, яъни қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлиги, чунки улар қанча юқори бўлса, маҳсулотнинг меҳнат сиғими шунча паст бўлади ва аксинча.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг кўпгина кўрсаткичлари, юқорида кўрсатилганидек, ялпи ёки соф маҳсулот миқдори (қиймати)ни меҳнат харажатлари миқдorigа ёки аксинча бўлиш йўли билан ҳисобланилади. Соатлик меҳнат унумдорлиги ва алоҳида маҳсулот турлари меҳнат сиғими кўрсаткичлари бир мунча бошқачароқ ҳисобланилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти, маълумки, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ва молларни ўстиришда бир нечта маҳсулот турлари ишлаб чиқарилади, шунинг учун қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонлардан олинган маҳсулотларга сарфланган жами меҳнат харажатлари барча ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари ўртасида

тақсимланади. Меҳнат унумдорлиги даражасининг ошиб бориши юқори самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг зарурий шarti ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг иқтисодий моҳияти маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетган меҳнатни камайтириш ёки меҳнат ўзгармагани ҳолда маҳсулотни кўпайтиришдир. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида бевосита ишларнинг 80-90 фоизи қўлда бажарилади ва унинг унумдорлигига салбий таъсир этади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг халқ хўжалик аҳамияти қуйидагича:

1. У деҳқончилик ва чорвачилик ялпи маҳсулотини кўпайтиришнинг ягона манбаи ҳисобланади ва аҳолини илмий асосланган меъёрлар бўйича озиқ-овқатга бўлган талабини ва саноатнинг хом-ашёга бўлган талабини тўлароқ қондиришни таъминлайди;

2. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган жонли меҳнат харажатларини қисқартиради, иш вақтини тежайди. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, маҳсулот бирлиги олиш учун шунча кам иш вақти кетади ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган ходимлар сони камаяди. Бўшаган иш кучи бошқа сфераларга йўналтирилади;

3. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши иш кунини, иш ҳафтасини, йилдаги иш соатлари миқдорини қисқартиришга шароит яратади ва бўш вақтни кўпайтиради. Қишлоқ меҳнатчиларига шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини ақлий ва жисмоний ривожлантириш, илмий-техникавий ва бадиий ижодиёт-қондириш учун бўш вақт вужудга келади;

4. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши маҳсулот бирлиги ҳисобига меҳнат ҳақи харажатларини камайтиради. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати меҳнат ҳақининг ўсиш суръатидан илгарилаб кетса, маҳсулот бирлигига тўғри келган меҳнат ҳақининг абсолют миқдори ва ҳиссаси пасаяди;

5. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши моддий ресурсларда буюмлашган меҳнат харажатларини тежашга ва фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон беради;

6. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларидан самарали фойдаланиб, меҳнат ҳақи харажатларини қисқартириб ва бир бутун ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларининг рентабеллик даражасини оширишга бевосита таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши амалиётида меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг бир қанча вариантлари бўлиши мумкин.

1. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши меҳнат харажатларининг ўсишидан олдинга кетади;

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди, меҳнат харажатлари ўзгармасдан қолади;

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди, меҳнат харажатлари пасаяди;

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўзгармайди, меҳнат харажатлари пасаяди;

5. Маҳсулот ишлаб чиқариш камаяди, меҳнат харажатлари ундан ҳам кўпроқ камаяди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун қуйидаги омиллардан оқилона фойдаланиш зарур:

1. Сермеҳнат жараёнларни комплекс механизациялаш;

2. Машиналар тизимидан фойдаланиш;

3. Ишлаб чиқариш технологиясини қисқа муддатларда ва сифатли ўтказиш;

4. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва йириклаштириш;

5. Меҳнат малакасини ошириш;

6. Меҳнат ташкил этишда унинг прогрессив шаклларида фойдаланиш;

7. Ходимларнинг дам олиш, маиший ва меҳнат шароитларини яхшилаш;

8. Иқлим, тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва ҳ.к.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг таъсирчан омилларидан бири – бу ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларга нисбатан моддий рағбатлантиришнинг қўлланиши деб ҳисоблаймиз, чунки унумли меҳнат талаб қилиш учун у албатта моддий жиҳатдан рағбатлантирилиши лозим.

Моддий рағбатлантириш билан бир қаторда маънавий рағбатлантиришни ҳам йўлга қўйиш ўз ижобий самарасини беради, унга кўра ишлаб чиқаришда фаол иштирок этган ходимлар ўртасида меҳнат мусобақаларини ташкил этиш ва уларни рағбатлантиришда турли хил тақдирлаш усулларидадан фойдаланиш ўзининг яхши самараларини беради.

4.2.1-жадвал

Нуробод туман фермер хўжаликларида ғаллачиликда меҳнат унумдорлигининг ўзгариши*

№	Кўрсаткич-лар	Ўлчов бир-лиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
						+, -	%
1	Ғалла экилган майдон	га	23940	2060	8435	15505	35,2
2	Ялпи ҳосил	минг тонна	25,3	4,6	12,3	13,05	48,5
3	Жами меҳнат сарфи	киши-соат	178039	598927	692600	514561	3,9 марта
4	1 гектар экин майдони ҳисобига тўғри келадиган меҳнат сарфи	киши-соат	15,0	50,3	54,1	39,1	3,6 марта
5	Ҳосилдорлик	ц/га	10,6	22,3	14,6	4	137,7
6	1 киши-соат ҳисобига етиштирилган ҳосил	кг	10,2	22,5	11,8	1,6	115,7
7	1 ц ғалла етиштириш учун меҳнат сарфи	киши-соат	9,8	4,4	8,4	-1,4	85,7

*Манба: Нуробод тумани статистикас бўлими маълумотлари

4.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охирги уч йил яъни 2010-2011 ва 2012 йиллар маълумотларини таҳлил қилар эканмиз туманда ғалла экилган майдонларнинг 15505 гектарга камайиб кетганлигини гувоҳи бўламиз ва 2012 йилга келиб жами ғалла майдонлари атиги 8435 гектарни

ташкил қилган холос, ҳосилдорлик кўрсаткичи 2010 йилга нисбатан 4 центнерга ошган бўлсада 2011 йилга нисбатан 7,7 центнерга камайиб кетган. Бунинг натижасида ялпи ғалла ҳосили ҳам камайиб кетган, маслан, 2010 йилда туман бўйича 25,3 минг тонна ғалла етиштирилган бўлса 2012 йилда келиб бу кўрсаткич 12,3 минг тоннани ташкил қилди, амалдаги ҳосилдорлик сақланиб қолганида ҳам 2010 йилга нисбатан фақат экин майдонининг қисқариши ҳисобига 15,5 минг тонна ғалла кам етиштирилди, бунинг асосий сабаби йилнинг қурғочилик билан бошланиши бўлди.

4.3. Ғалла етиштириш таннархини ҳозирги ахволи ва уни пасайтириш йўллари

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш тармоқда ишлаб чиқариш ресурсларини (меҳнат, ер, сув ва моддий ва бошқа)ни ишлатиш билан чамбарчас боғланган, қайсики ишлаб чиқариш жараёнида қисман ёки бутунлай истеъмол қилинади, уларнинг қиймати эса тайёр маҳсулотга ўтади. Истеъмол қилинган ва маҳсулотга ўтказилган ишлаб чиқариш ресурсларининг жами йиғиндиси маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари дейилади. Ишлаб чиқариш харажатлари икки хил бўлади: ижтимоий харажатлар ва корхона харажатлари. Ижтимоий харажатлар бу жамиятнинг у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларининг жамидир. Улар маҳсулот қийматидан ташкил топади ва ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари (ажратмалари билан;
2. Ягона ер солиғи;
3. Истеъмол қилинган моддий ресурслар қиймати;
4. Қўшимча маҳсулот қиймати.

Қўшимча қиймат бошқариш, маориф соғлиқни сақлаш, муҳофаа, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва бошқаларга қилинган харажатларни қоплашга сарфланади. Маҳсулотлар қийматининг асосий қисми корхона харажатларини ташкил этади ва унинг таркибига меҳнат ҳақини, ишлаб чиқаришда қатнашган асосий воситаларнинг йиллик эскиришини машина ускуналар, айланув воситаларининг қиймати, айрим солиқлар, тўловлар ва бошқалар киради. Маълумки, маҳсулот ишлаб

чиқариш харажатлари хўжалик юритишнинг барча шаклларида маҳсулот қийматининг ажралмас қисми ҳисобланади. Харажатларнинг қийматдан фарқи такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча фазаларида намоён бўлади. Ишлаб чиқариш сферасида харажатларнинг шаклланиши қиймат ташкил топишининг биринчи этаpidир. Бунда ишлаб чиқаришнинг ўзи меҳнат жараёни ва қиймат яратиш жараёнининг бирлиги бўлиб ҳаракат қилади. Бу ерда жонли меҳнат жараёни ва қиймат яратиш жараёнининг бирлиги бўлиб ҳаракат қилади. Бу ерда жонли ва буюмлашган харажатлар ҳамда тадбиркорлик ялпи маҳсулот, шу жумладан қўшилган қийматни яратади. Ишлаб ишлаб чиқариш сферасида қиймат ва корхона харажатлари ўртасидаги боғлиқлик амалий аҳамиятга эга. Ноқилона хўжалик юритиш, ишлаб чиқариш ресурсларидан етарли даражада самарали фойдаланмаслик тўғрисида сарфланган барча турдаги бевосита ва билвосита харажатларнинг самарадорлиги пасаяди.

Ижтимоий харажатларнинг, бинобарин қийматнинг маълум бир қисми сифатида ишлаб чиқариш харажатлари пулда ифодаланади. Шунинг учун ишлаб харажатларига ишлаб чиқариш ресурсларининг қўлланилгани эмас, балки истеъмол қилинган қиймати киради. Ишлаб чиқариш харажатлари таркибига меҳнат яратган жами қиймат эмас, балки туланган бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи қўшилади. Ишлаб чиқариш харажатларига ер ресурслари қиймати эмас, ундан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар (ер учун тулов, ижара ҳақи ва бошқа), асосий воситаларнинг қиймати эмас, фақат амортизация суммаси, моддий оборот воситаларидан фойдаланилган миқдор киради. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тўлиқ таннархнинг асосини ташкил этади.

Демак, маҳсулот таннархи корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган жорий, яъни ҳар йиллик пулда ифодаланган харажатларнинг жами йиғиндисидир.

Корхонанинг маҳсулот олиш учун сарфланган ҳамма ишлаб чиқариш харажатлари йигиндиси ялпи маҳсулот таннархини ифодалайди ва қуйидагича ҳисобланади:

$$ЯМТ = И\backslash Ч.X \text{ ёки}$$

$$ЯМТ = МХ + ЕТ + А + Мат.Xар$$

Асосий ва қўшимча маҳсулот бирилигининг таннархи жами ишлаб чиқариш харажатларини ялпи маҳсулот миқдорига нисбати билан топилади:

$$T = \frac{И/чX}{ЯМ} \text{ ёки } T = \frac{МХ + ЕТ + А + Мат.Xар}{ЯМ}$$

Харажатларнинг шаклланиш этапларига қараб, таннархнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлади:

1. Технологик
2. Ишлаб чиқариш
3. Коммерция ёки тўла таннарх

1. Технологик таннархига, маҳсулотни ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ бўлган, шунингдек, бўлимларда бригада, ферма ва цехларда ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар киради.

2. Ишлаб чиқариш таннархи технологик таннархларнинг йигиндисини, корхонани ва ишлаб чиқаришни бутунлай бошқариш билан боғлиқ харажатларнинг (умумхўжалик харажатлари) йигиндисини ифодалайди.

3. Коммерция ёки тўла таннарх ишлаб чиқариш харажатларининг жамиси ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган, муомала харажатларининг йигиндисини ифодалайди. У фақат товар маҳсулот учун ҳисобланади.

Бундан ташқари, ҳисоблаш характерига қараб қуйидагича таннарх турлари аниқланади:

1. Режа таннархи.

2. Дастлабки, вақтинчалик ва тахминий таннарх

3. Ҳақиқий таннарх

1. Режа таннархи, бу корхона режалаштираётган даврдаги маҳсулот бирлигига сарфланиши лозим бўлган харажатлар йигиндисини ифодалайди.

2. Вақтинчалик ёки тахминий таннарх эса 9 ойлик ҳақиқий харажатларни ва 4-кварталдаги режа харажатларини ўз ичига олади.

3. Ҳақиқий таннарх эса йил охирида корхона хўжалик фаолиятини якун қилишда йиллик ҳисоботлар асосида ҳисобланади. У олинган ялпи маҳсулот учун сарфланган ҳақиқий харажатлар асосида ҳисобланади. Маҳсулот таннархи шаклланиш жойига қараб, индивидуал (конкрет корхонада, уюшма ва бошқа), зона (маълум бир зонанинг ўртачаси) ва тармоқ таннархларига бўлинади (мамлакат бўйича ўртача).

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархини ҳисоблаш тармоқ хусусиятларидан келиб чиқадиган бир қанча хусусиятларга эга:

1. Деҳқончиликда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик цикли, шунингдек иш вақти ва ишлаб чиқариш вақтининг мос келмаслиги маҳсулот таннархини ҳисоблашни фақат хўжалик йили тугагандан кейин амалига ошириш кераклигини кўрсатади.

2. Кўпгина деҳқончилик экинлари ва турли-туман чорвачилик маҳсулотларини олиш бир-бири билан боглиқ.

3. Тугалланмаган ишлаб чиқариш суммасини аниқлаш фақат йил охирида 1 январ ҳолатида аниқланади. Бу харажатларга келгуси йил ҳосили учун қилинган харажатлар киради.

4. Ҳақиқий таннархи фақат йил охирида аниқланади, йил даврида эса режа харажатлари билан ҳисобланади, бу эса ҳақиқий харажатларни йил охиригача аниқлаш имконини бермайди.

5. Турли хил маҳсулотларнинг турли жойларга етказиш харажатларнинг турли туманлиги

Қишлоқ хўжалигида ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларининг барча асосий турлари бўйича, шунингдек ишлаб чиқаришга хизмат қилувчилар бўйича ҳам таннарх ҳисобланади.

Алоҳида маҳсулот турлари бўйича таннархни ҳисоблашда аввало асосий, туташ ёки қўшимча ва ёрдамчи маҳсулотларнинг турлари бўйича миқдори аниқланади. Аммо ҳар бир маҳсулот тури бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг ўқётини алоҳида ташкил қилиб бўлмайди. Шунинг учун барча турдаги маҳсулотлар ўртасида ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади ;

1. Харажатларни бевосита маҳсулот турларига олиб бориш

2. Алоҳида қишлоқ хўжалик экинлари турлари маҳсулотлари бўйича, ҳайвонлар маҳсулотлари турлари учун умумий бўлган белгилари бўйича харажатлар олинадиган маҳсулот турлари учун умумий бўлган белгилардан бирининг миқдори аҳамиятига пропорционал равишда тақсимланади.

3. Алоҳида турдаги маҳсулотларни олишга кетган харажатларни эксперт йўли билан баҳолаш ва уларни маълум бир кўрсаткичларда акс эттириш ;

4. Маълум бир экиндан (моллар гуруҳи, тури) олинадиган маҳсулот тури бўйича харажатларни, марказлашган тартибда ўрнатиладиган иқтисодий жиҳатдан асосланган коэффициентларни қўллаш ёрдамида, центнер – коэффициент ва бошқа шартли бирликларнинг миқдорига пропорционал тақсимланади. Уларни аниқлашда маҳсулот турларидан бирининг бирлигига тўғри келган харажат бир деб қабул қилинади, бошқа маҳсулотлар бирлигига қилинган харажатлар шу бирликка нисбатан олиниб коэффициент кўринишида ифодаланади;

- 5.Харажатлар маҳсулотни сотиш баҳоси бўйича баҳолагандаги маҳсулот қийматига пропорционал тақсимланади.

Маҳсулот таннархи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг муҳим омили ва бир вақтнинг ўзида кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай маҳсулот бирлигининг таннархи икки миқдор

нисбатига: ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот сифатига боғлиқ бўлади. Таннарх қуйидаги ҳолларда пасайиши мумкин:

1. Агар маҳсулот ўзгармагани ҳолда, харажат миқдори камайса.
2. Агар ялпи маҳсулот миқдори кўпайиб, харажатлар ўзгармаса.
3. Агар ялпи маҳсулотининг ўсиш суръати харажатлар ўсиш суръатидан илгари кетса.

Маҳсулот таннархи омиллари қишлоқ хўжалигида турли тумандир. Уларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Таннархнинг 2 таркибий қисмига, яъни ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот миқдори.

2. Фақат харажат миқдори.
3. Фақат маҳсулот миқдори.

1 – гуруҳга:

- а). ходимларнинг моддий манфаатдорлиги.
- б). ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш.
- в). ишлаб чиқариш технологиясини қисқа вақтда ва сифатли бажариш.

2 – гуруҳга:

- а). ишлаб чиқаришнинг меҳнат сиғими.
- б). ишлаб чиқаришнинг ер сиғими.
- в). ишлаб чиқаришнинг фонд сиғими.
- г). ишлаб чиқаришнинг материал сиғими.

3 – гуруҳга:

- а). қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлиги.
- б). экин майдонлари ва пода структураси.
- в). маҳсулотни сақлаш усуллари.

4.3.1 -жадвал

Нуробод туман фермер хўжаликларида ғалла ишлаб чиқариш таннархи ўзгариши

Йиллар	Ғалла ялпи маҳсулоти, т	Жами маҳсулот таннархи, минг сўм.	1 т ғалла таннархи, м.сўм	1 т ғалланинг сотиш баҳоси, м.сўм
2010 йил	25300	4723000	186	206
2011йил	4600	2075000	451	470
2012йил	12300	4102000	333	340
2012 йил 2010 йилга нисбатан, %	48,5	86,8	1,8марта	165,0
Ўзгариш: +; -	13000	-621000	147	137,0

Манба: Нуробод тумани статистика бўлими маълумотлари

Маҳсулот таннархи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг муҳим омили ва бир вақтнинг ўзида кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. 4.3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йил 1 тонна ғалла таннархи 186 минг сўмни, 2011 йилда эса 451 минг сўмни, 2012 йилда эса 333 минг сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 1,8 мартага ошган ёки 147 минг сўмга кўпайган. Туманда ялпи маҳсулот миқдори ва харажат миқдори камайган. Бу ҳол таннархни кўпайишига олиб келган. Таннархни кўпайиши эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини пасайишига олиб келади.

4.4. Ғаллачиликда рентабеллик ва уни ошириш йўллари

Корхоналарнинг фойдалилик ёки зарарлилик даражасини белгилаш учун рентабеллик кўрсаткичидан фойдаланилади. Рентабеллик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ўзида акс эттирувчи умумлашган кўрсаткич ҳисобланади. У фойдаланилган ва истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурслари - меҳнат, ер-сув, моддий ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш харажатлари орқали етиштирилган маҳсулотдан олинган самаранинг миқдор ва сифатини, ишлаб чиқаришни

кенгайтирилган тарзда ривожлантириш имкониятини, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлигини акс эттиради.

Рентабелликда мутлоқ кўрсаткич - бу фойдадир. Фойда - бу реализация қилиш натижасида олинган соф даромаднинг қисми бўлиб, у маҳсулот сотишдан келадиган маблагдан - сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ёки тўла таннарх қийматини чиқариб ташланган қисмига тенг бўлади:

$$\Phi = \text{ПТ} - \text{ТТ}$$

Фойда – бу фақат ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топган натижа ҳисобланиб қолмасдан, балки маҳсулотларни сотиш жараёнида эришилган охирги иқтисодий кўрсаткичдир. Энг аввало унда жонли меҳнат харажатлари ифодаланади, чунки унинг асосида ялпи даромад ётади, ходимларнинг жонли меҳнати билан янги маҳсулот яратилади. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, янгидан яратилган қийматдаги иш ҳақи салмоғи шунча оз бўлади, унинг бир қисми фойдани ташкил қилишга кетади. Фойдада, шунингдек буюмлашган меҳнат харажатларининг самарадорлиги акс этади. Маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келган моддий харажатлар ва иш ҳақи харажатларининг камайиши, баҳо ўзгармаганда фойдани кўпайтиради ва ниҳоят бу кўрсаткичда маҳсулот сифати намоён бўлади. Фойда бир қатор муҳим иқтисодий вазифаларни бажаради:

1. Ўлчаш вазифаси - фойдадан ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткичи сифатида фойдаланилади.

2. Тақсимлаш вазифаси - қўшимча маҳсулотни тақсимлаш воситаси сифатида.

3. Рағбатлантириш вазифаси - иқтисодий рағбатлантириш фондини шакллантириш манбаи сифатида.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш рентабеллигининг мутлоқ кўрсаткичи билан бир қаторда унинг нисбий кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Бу кўрсаткич ўзида рентабеллик нормаси ва фойда нормасини ифода этади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотлари осимликчилик ва чорвачилик тармоқлари доирасида айрим экинлар ва чорва ҳайвон турлари доирасида, айрим маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари рентабеллиги аниқланади. Бу кўрсаткични ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида қилинган харажатларнинг қоплаш муддатларини аниқлашда универсал деб ҳисобланади.

Шу билан бирга фойда самарадорликни ягона ва бутун қамраб олувчи кўрсаткич ҳисобланмайди. Янгидан яратилган қийматнинг бир қисми сифатида, у моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ходимлар қўшимча меҳнати билан яратилган қўшимча маҳсулотни пулда ифодаланган қисмини ифодалайди. Унинг миқдори маълум даражада маҳсулот баҳоси даражасининг асосланганлигига боғлиқ. Бундан ташқари, фойда структуравий ўзгаришларга, юқори рентабелли маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўли билан ва паст рентабелли маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш йўли билан ҳам ошиши мумкин. Рентабелликнинг абсалют кўрсаткичи фойданинг абсалют миқдорида ифодаланади.

$$Д = ПТ - МХ$$

Фойданинг абсалют миқдори муҳим аҳамиятга эга, у иқтисодий рағбатлантириш фондини вужудга келтиришни миқдорига боғлиқ. Шу билан бирга фойданинг абсалют миқдори ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий натижаларини тўла баҳолашга имкон бермайди. Амалиётда ишлаб чиқаришда ҳар турдаги маҳсулот фойданинг абсалют миқдори кўп ёки оз олиниши мумкин. Икки ҳолатда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш рентабелли бўлади, лекин унинг даражаси турлича бўлиши мумкин, чунки бу таннархга боғлиқ. Шунинг учун классик иқтисодчилар шундай деб ёзадилар: «Бойлик даражаси - маҳсулотнинг абсалют миқдори билан эмас, қўшимча маҳсулотни нисбий миқдори билан ўлчанади». Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш рентабеллигини тўла характерлаш учун нисбий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади: рентабеллик даражаси ва фойда нормаси. Рентабеллик

даражаси соф фойдани коммерция таннархига бўлиш орқали аниқланади ва фойизларда куйидаги формулалар билан ҳисобланилади:

$$P = \frac{\Phi}{\text{ТТ}} * 100 \quad P = \frac{\text{ПТ-КТ}}{\text{ТТ}} * 100 \quad P = \frac{\text{ПТ}}{\text{ТТ}} * 100$$

Рентабелликни ошириш омиллари деганда энг аввало фойда омиллари тушунилади. Фойда омиллари 2 гуруҳга бўлинади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боглиқ бўлган ва субъектив характерга эга бўлган ички омиллар.

2. Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боглиқ бўлмаган ва объектив характерга эга бўлган ташқи омиллар.

1. Ички омилларга сотиладиган маҳсулот миқдори, унинг сифати, ишлаб чиқариш харажатлари киради. Сотиладиган маҳсулот миқдори ялпи маҳсулот ҳажмига ва унинг товарлилик даражасига боглиқ. Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўсишида сотишга мўлжалланган маҳсулотнинг миқдори абсолют кўпаяди. Шунингдек, унинг ишлаб чиқариш ички истеъмолига кетадиган қисмининг ўсиши нисбий кўпаяди. Ялпи маҳсулотнинг ана шу ички истеъмолга кетадиган қисми ўсиш суръатининг пасайиши товарлилик даражасининг ошишига ва шу асосда пул тушумининг кўпайишига шароит яратади. Юқори сифатли маҳсулот анча юқори сотиш баҳосини таъминлагани учун, маҳсулот сифати пул тушуми орқали фойда миқдорига таъсир кўрсатади.

Пул тушуми миқдори маҳсулотни сотиш муддатларига, сотиш бозорига ва унинг таркибига боглиқ. Бундан ташқари пул тушуми сотиш каналларига ҳам боглиқ. Унинг давлатгами, матлубот кооперациясигами ёки бозоргами сотилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Фойданинг муҳим омилларидан бири маҳсулот таннархидир. Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ёки ошиши фойда миқдорига анча сезиларли таъсир кўрсатади.

2. Ташқи омилларга маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар таклифи ва улар ўртасидаги рақобат, маҳсулотга бўлган бозор талаби кабилар киради. У ёки бу маҳсулотга юқори ёки паст талаб, шунингдек рақобатчиларнинг

мавжудлиги ёки қатнашмаслиги, сотиладиган маҳсулот миқдори, баҳо даражасига ва пировард натижада фойда миқдори таъсир қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги омиллари экстенсив ва интенсив характерга эга. Экстенсив омиллар – бу рентабелликка сотилаётган маҳсулотнинг миқдоридаги ўзгаришлар орқали таъсир кўрсатувчи омиллардир. Интенсив омиллар – сотиш баҳоларининг ўсиши ва маҳсулот таннархининг пасайиши орқали таъсир кўрсатадиган омиллардир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллик кўрсаткичлари йиллар бўйича оз ёки кўп миқдорда тебраниб туради, бу ҳам бўлса, маҳсулот таннархи ва баҳонинг ўзгариши оқибатидадир. Шунинг учун рентабеллик динамикаси тенденциясини таҳлил этганда, шунингдек у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш қулайлигини иқтисодий асослаш пайтида бир неча йиллардаги рентабелликнинг ўртачасидан фойдаланилади.

4.4.1. -жадвал

Нуробод туман фермер хўжаликларида ғалла ишлаб чиқариш рентабеллиги*

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
						+, -	%
1	Сотилган маҳсулот миқдори	минг тонна	25,32	4,603	12,323	-12,99	48,6
4	Сотилган маҳсулот тўла таннархи	млн сўм	4723	2075	4102	-621	86,8
5	Сотишдан тушган пул даромади	млн сўм	5207	2163	4190	-1017	80,46
6	Олинган фойда(+), зарар(-)	млн сўм	484	89	88	-396	18,2
7	Рентабеллик, зарарлилик даражаси	%	10,2	4,3	2,1	-8,1 пунктга	

*Манба: Нуробод тумани статистика бўлими маълумотлари

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги омиллари экстенсив ва интенсив характерга эга. Экстенсив омиллар – бу рентабелликка

сотилаётган маҳсулотнинг миқдоридаги ўзгаришлар орқали таъсир кўрсатувчи омиллардир. Интенсив омилларнинг- сотиш баҳоларининг ўсиши ва маҳсулот таннархининг пасайиши орқали таъсир кўрсатадиган омиллардир. 4.4.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туманда сотилаётган маҳсулот миқдори 2012 йилда 12.323 минг тоннани ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 12.99 минг тоннага ёки қарийб элли фоизга камайиб кетган. Сотидан тушган пул даромади 19.6 фоизга камайиб кетган, сотилган маҳсулот таннархи 13,2 фоизга камайган. Натижада олинган фойда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 18,2 фоизни ташкил қилган холос ёки бўлмаса 396 млн сўмга камайиб кетган. Натижада рентабеллик даражаси 2010 йилда ғаллачиликда 10,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 2,1 фоизни ташкил қилган, яъни 2010 йилга нисбатан -8,1 пунктга камайиб кетган.

Хулоса шуки туманда лалмикор ғалла ишлаб чиқариш рентабеллигининг пасайиб кетишига ҳосилдорликнинг пастлиги, таннархнинг ошиши тезлиги сотиш баҳоларининг ошиш тезлигидан юқорилиги сабаб бўлган.

5. Қишлоқ хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири – республикамиз фуқароларини ишлаб чиқариш жараёни ва бошқа ҳолатларда мавжуд ёки вужудга келиши мумкин бўлган турли хавфли ва зарарли омиллар таъсиридан ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида таъминлаш ҳамда санитария ва гигиена талабларига мос меҳнат шароитларини яратиб беришдан иборатдир.

Инсонни ҳар қандай фаолияти давомида хавфсизлигини таъминлаш қадимги даврдан ҳозирги кунгача муҳим масалалардан бири бўлган ва бўлиб келмоқда. 1950-йил сентябр ойида Германиянинг Кёln шаҳрида бўлиб ўтган биринчи халқаро конгрессда, Ҳаёт - фаолият хавфсизлиги фан сифатида қабул қилинди ва мустақил фан сифатида шаклланиб ўз назарияси, услуби ва принципларига эга бўлди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат. Меҳнатни муҳофаза қилишни ўрганишдан мақсад – ишлаб чиқариш жараёни хавфсизлигини чуқур ўрганиш, билиш, ташвиқот қилиш ва одамларни хавф-хатардан ҳимоя қилиш масалалари асосида тарбиялашдир. Бунинг илмий замини:

- ишлаб чиқаришда шикастланиш, касбий касалликлар, ёнғин ва ҳалокатлар сабабларини ҳар томонлама таҳлил қилиш;
- меҳнат жараёнида қўлланиладиган асбоб-анжомларнинг хавфсизлик ва зарарлилик даражасини ўрганиш;
- қишлоқ хўжалигида қабул қилинган ёки жорий этишга тавсия этиладиган оғир ҳамда сермеҳнат ишларни механизациялаш ва

автоматлаштириш жараёнларни асослаш ва баҳолаш каби ишлар асосида яратилади.

Мамлакатимизда меҳнат муҳофазаси қонун ҳужжатлари асосида белгилаб қўйилган бўлиб, тартибга солинади, бошқариб турилади. Республикамизда фаолият кўрсатаётган кишиларни, айниқса аёллар ва ўсмирларни оғир ва соғлиқ учун зарарли бўлган ишлардан озод қилиш, қисқартирилган иш куни ҳуқуқи қонун билан белгилаб қўйилиши, ҳомиладорлик таътили, бола тарбиясига бериладиган таътилнинг уч йилгача узайтирилиши ва бошқа имтиёзлар бунга мисол бўла олади. Айниқса мустақилликдан кейин Халқаро Меҳнат Ташкилоти томондан ишлаб чиққан конвенцияларни ратификация қилиниши бунинг яққол далилидир.

Республикада соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш давлат аҳамиятига молик ишдир. Шароити оғир ва зарарли ишларда аёллар ва ёшлар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади. Ҳомиладор аёлларнинг тунда ва ишдан ташқари вақтда ишлашлари чекланган. Қонунда шароити зарарли бўлган ишларда, шунингдек, алоҳида ҳарорат шароитида бажариладиган ёки ифлосланиш билан боғлиқ ишларда ишлайдиган ишчи-хизматчиларга белгиланган меъёрларга мувофиқ бепул жомакор, махсус поябзал ва бошқа турдаги якка тартибдаги ҳимоя воситалари, сут ёки унинг ўрнини боса оладиган бошқа озиқ - овқат маҳсулотлари берилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир». Ушбу моддада кўрсатилган кафолат ва ижтимоий муҳофазани қонуний мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993йил 6 майдаги № 839-ХИИ сонли буйруғига асосан “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун” қабул қилинди.

Ўзбекистон республикасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуни, ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар, меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди ҳамда

фуқароларнинг соғлиғи ва меҳнатини муҳофаза қилинишни таъминлашга қаратилган.

Мазкур Қонун 29 модда 5 бўлимдан ташкил топган бўлиб, унда кундалик ҳаётимизда меҳнат муҳофазасининг умумий қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилинишини таъминлаш, ишловчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги кафолатлар, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги масалалар ўз аксини топган. Шу билан бирга ишлаб чиқарувчи ва ишловчи ўратасидаги муносабатларни ҳуқуқий асосини белгиловчи қонун “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси “ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги 161-1 сонли қарори асосида тасдиқланди ва 1995 йил 21 декабрдаги 162-1 сонли қарор асосида 1996 йил 1-апрелидан амалга жорий қилинди.

Мазкур қонун 16 боб ва 294 моддадан ташкил топган бўлиб, 13-боби (211-223моддалар) меҳнат муҳофазасига бағишланган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат муносабатларин тартибга солишни ҳуқуқий асоси Меҳнат кодексига биноан:

Ёшлар меҳнатини муҳофаза қилиш. Республикамизда ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, уларни ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса балоғат ёшига етмаган ўсмирларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар ва имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 239-моддасида қуйидагича қайд этилган: Меҳнат кодексига биноан, 16 дан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар учун бир иш ҳафтасидаги иш соати 36 соат, 15 - 16 ёшда еса 24 соатгача қисқартирилган (242- модда). 18 ёшга тўлмаган ўсмирларни иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунлари ишларга жалб қилиш мумкин эмас (245-модда). 16-18 ёшдаги ўсмирлар учун ташийдиган ва силжитадиган юкнинг оғирлиги ўғил болалар учун 13 кг, қизлар учун 7 кг дан ортиқ бўлмаслиги керак. Ўсмирлар учун

узлуксиз ташийдиган ва силжитадиган юкнинг миқдори 4,1 кг дан кўп бўлмаслиги лозим, 14-15 ёшдаги ўсмирлар учун еса меъёр 2 мартагача камайтирилади (СҚ ва М 0052-96). Ўсмирлар доимий ишга 16 ёшдан қабул қилишга рухсат этилади, айрим ҳолларда 15 ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахсдан ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юрти ва ўрта махсус ўқув юрти ўқувчиларини 14 ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан ўсмирларнинг воя ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни, ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади. 18 ёшга кирмаган шахсларни оғир, зарарли ва хавфли меҳнат шaroитларида ишлатиш мумкин эмаслиги меҳнат кодексининг қуйидаги моддасида ўз аксини топган: (241-модда.) Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказилиш мумкин бўлган меҳнат шарoити, ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган меъёрдан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ишлар рўйхати ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк меъёрларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофoза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда белгилайди. (Ўзбекистон республикаси МК). Қишлоқ хўжалигида буларга пилла заводларда, тиркама қишлоқ хўжалиги машиналарида тиркамачи, ғўзани суғоришда, тамакини йиғиб-териб олишда, ташишда ва бирламчи ишлов беришда ишга жалб қилиш ман этилади. Мураккаб

бўлмаган тиркама ва стационар қишлоқ хўжалиги машиналарида ишлашда ва хизмат кўрсатишда махсус гувоҳномалар талаб қилиш зарур бўлмаган ишларга, ўсмирларни 17 ёшдан ишга қабул қилишга рухсат этилади.

Иш вақти ва дам олиш. Иш билан таъминловчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномаси тузилиб касабаяюшмаси кўмитаси билан келишиб белгиланган асослар бўйича дам олиш кунлари ишга чиқишга таклиф этилади (130-модда). Ходимларни дам оладиган кунлари ишга жалб этиш (120, 132, 245-моддаларда) белгиланган чекланишларга риоя етган ҳолда амалга оширилади. Ишлаб чиқаришда техник ва бошқа сабабларга кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ишларда, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш тушириш ишларида байрам кунлари ишлашга рухсат этилади (132-модда). Дам олиш ва байрам кунлари бажариладиган ишлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш меҳнат кодексининг 157- моддасига мувофиқ амалга оширилади. Корхоналар ва айрим ишлаб чиқаришларда иш турига қараб, кундалик ёки ҳафталик иш кунига риоя қилиб бўлмайдиган тоифадаги ишчилар ва хизматчиларга, касабаяюшмаси билан келишилган ҳолда иш кунини жамлаб ҳисобга олиш (123-модда) усулини киритишга йўл қўйилади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат шароитларини яхшилаш ишлари бир қанча омилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинади. Барча ишлаб чиқариш омиллари қуйидагиларга бўлиниши мумкин: ташкилий, техникавий, санитария гигиена, табиий, иқлим, иқтисодий.

Хавфсизликни таъминлаш асослари, усуллари ниантик ҳамда диалектикага хос умумий усулларга тегишли бўлмай, махсус ва айрим усуллардан ҳисобланади. Усуллар ва асослар ўзаро боғлиқдир. Хавфсизликни таъминлаш чоралари бу усулларни ва асосларни амалий, ташкилий ва моддий гавдалантириб амалга оширишдир. Асослар, усуллар, чоралар хавфсизликни таъмин этишдаги мантикий поғоналардир. Уларни танлаб олиш фаолиятнинг аниқ шароитларига, хавфнинг даражасига ва бошқа мезонларга боғлиқ.

Хавфсизликни таъминлаш йўллари кўп. Уларни белгиларига қараб бир неча синфларга ажратиш мумкин, масалан, йўналтирувчи, техник, ташкилий ва бошқарув.

а) йўналтирувчи белгилари: операторнинг фаоллиги; иқтидори; тузилишнинг тартибсизланиши; операторни алмаштириш; таснифлаш; хавфларни йўқотиш; тартибга олиш; хавфни камайтириш.

б) техник белгилари: блокировкалаш; вакуумлаш; герметиклаш; масофа билан ҳимоялаш; маҳкамлаш; тўсиқлар орқали ҳимоялаш; ожиз звено қўллаш; сиқилган ҳаво қўллаш; ҳаракатларни секинлаштириш.

с) ташкилий белгилари: вақт билан ҳимоялаш; ахборот (маълумотлар); захиралаш; мос келмаслик; меъёрлаш; ходимлар танлаш; эргономиклик.

д) бошқарув: мослик, назорат; қарши алоқа; жавобгарлик; режалилик; рағбатлантиришлар; самарадорлик ва бошқариш.

Хавфсизликни таъминлаш усуллари тарифлари. Инсон меҳнат фаолияти жараёнида бўладиган фазо – иш жойи, доим мавжуд ёки вақти - вақти билан хавф пайдо бўладиган фазони ноксосфера дейилади. Хавфсизликни таъминлашга қуйидаги усуллар орқали эришилади:

а) гомосфера ва ноксосферани фазовий ва вақт бўйича ажратиб қўйиш, бунини ҳал қилиш учун масофадан бошқариш. Автоматлаштириш, роботлаштириш воситалари ёрдамидан фойдаланилади;

б) хавфларни йўқотиш йўли билан максосферани меъёрлаштириш. Бу усулга ишчиларнинг шовқин, газ, чангдан жароҳатланишидан сақловчи шахсий ва биргаликдаги ҳимоя воситаларини қўллаш кирadi;

с) ишчиларин тегишли муҳитга мослашишга, уларни ҳимоялаш даражасини кўтаришга йўналтирилган ҳар хил воситалар ва усуллар:

е) хавфсизликни таъминловчи воситаларга, жамоа ва шахсий ҳимоя воситалари кирadi. Улар ўз навбатида хавфларнинг тури, тузилиши, ишлатиш соҳасига кўра гуруҳларга бўлинади

Хулоса ва таклифлар

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбат билан ифодаланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги этапдаги бир қатор хусусиятлари ва доимий ҳаракатдаги омилларнинг йигиндисига боғлиқ. Бир томонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш озиқ - овқат ва хом ашёга бўлган талабнинг ўсиб бориши ва қийинлашиши, маҳсулот сифатига бўлган талабнинг кучайиши, баъзи ишлаб чиқариш ресурсларининг чегараланганлиги, ишлаб чиқариш воситалари қийматининг ўзгариши ва бошқаларни кўрсатиб туради. Бошқа томондан, ҳозирги этапдаги жамиятнинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Нуробод тумани фермер хўжаликлари миослида “Мамлакатни модернизация қилиш шароитида лалмикор ғаллачиликда дон ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш” мавзусида битирув малакавий ишини бажариб қуйидаги хулосаларга келдик:

Нуробод тумани фермер хўжаликларида лалмикор деҳқончиликда ғалла етиштиришнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш борасида амалга оширилган илмий тадқиқот натижаси қуйидаги хулосалар қилиш имкониятини берди:

1. Нуробод туман ер майдони 2012 йилда 570000 гектар ерни ташкил этиб, шундан хайдаладиган ерлар 76241 гектар ерни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 3370 гектар ёки 4,3 фоизга камайган. Лалми ерлар 73514 гектар ерни ташкил этиб, атиги 1 гектар ерга ошган.

2. Нуробод тумани фермер хўжаликларида экин майдонлари 2012 йилда 75972 гектар ерни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 524 гектар ерга ёки 0,6 фоизга ошган. Экин майдонлари таркибида асосий салмоқни ғалла экин

майдонлари 2010 йилда 31,1 %, 2011 йилда 3152 %, 2012 йилда 14,9 % ни ташкил этади. Ғалла экин майдони 2012 йилда 11392 гекта ерни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 12121 гектар ерга ёки 51.6 фоизга камайган.

3. Нуробод тумани фермер хўжаликлари 2012 йилда 4128269.8 минг сўмлик асосий фондларга эга бўлиб, 2010 йилга нисбатан 111933.8 минг сўмга ёки 2.7 фоизга ошган. Фермер хўжаликларидаги бу ўсишга машина ва ускуналардаги 4.7 фоиз ёки 2118.7 минг сўм ҳамда транспорт воситаларидаги ўсиш, иншоотларнинг 11.5 фоизга ёки 3074.8 минг сўмга, кўп йиллик ўсимликларнинг 2.8 фоизга, компьютерларнинг 43.5 фоизга ёки 1951.5 минг сўмга ошиши таъсир этган. Бундан кўриниб турибдики, туман фермер хўжаликларида асосий фондлар қиймати йилдан йилга ошиб бормоқда.

4. Нуробод тумани фермер хўжаликларида 2012 йилда 1099 киши, 2010 йилга нисбатан 24 кишига ёки 2,2 фоизга ошган. Шундан хотин қизлар 131 киши, доимий ишчилар 1012 кишини ташкил этиб, 11 кишига кўпайган. Рахбар ходимлар 416 кишини ташкил этиб, 16 кишига кўпайган, сабаби фермер хўжаликлари сони ошган.

5. Туман фермер хўжаликлари 2012 йилни 17560000 минг сўмлик даромад билан якунлашган ва 2010 йилга нисбатан 7667000 минг сўм кўп даромад олишган. Натижада туман фермер хўжаликлари 2776000 минг сўм фойда кўришган. Рентабеллик даражаси 18.8 фоиз бўлиб, 2010 йилга нисбатан 4,1 пунктга ошган.

6. Нуробод туман фермер хўжаликлари 2012 йилда 8435 га ерга ғалла экиб, ўртача 14.6 ц/га дан, жами 12,32 минг тонна ҳосил олишган. Туман фермер хўжаликлари дон сотишдан жами 4190 млн сўм даромад ва 4102 млн сўм харажат ҳисобига 88 млн сўмлик фойдага эга бўлишган ва бу 2010 йилга нисбатан 396 млн сўмга кам бўлган ёки ўтган йилги даромаднинг фоизини ташкил қилган холос. Ғалла етиштиришда рентабеллик даражаси 2011 йилда 10.2 фоизни ташкил этиб, 2012 йилга келиб 2.1 фоизни ташкил қилган, ёки 8.1 пунктга камайиб кетган.

7. Нурубод туманида ғалла ялпи маҳсулоти 2012 йил 12.3 минг тоннани ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 13.05 минг тоннага камайган ёки қарийб икки баравар камайган. Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириш учун экстенсив ва интенсив омиллардан фойдаланилади. Экстенсив омилларга ишлаб чиқариш ресурсларининг миқдорини акс эттирадиган миқдорий омиллар киради. Туманда ғалла экилган майдон 15.5 минг гектарга ёки 65 фоизга камайган. Лекин ер чегараланган лиги учун экстенсив асосда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш асосий омил ҳисобланмайди. Шунинг учун, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни сифат жихатдан яхшилашга асосланган интенсив омиллар асосида кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу омил ичида ҳал қилувчи қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишдир. Туманда ғалла ҳосилдорлиги 2012 йил 14.6 ц ни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 4,0 ц га ёки 37.7 фоизга ошган. Бу эса ялпи маҳсулотнинг ошишига олиб келмаган. чунки ғалла экин майдони жуда кўп миқдорда қисқариб кетган. Шунинг учун ҳам ғаллачиликда самарадорлик ошмаган.

8. Меҳнат унумдорлиги даражасининг ошиб бориши юқори самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг зарурий шarti ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг моҳияти маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетган меҳнатни камайтириш ёки меҳнат ўзгармагани ҳолда маҳсулотни кўпайтиришдир. Туманда ғалла етиштиришга меҳнат сарфи 692600 киши-соатни ташкил этиб, 2008 йилга нисбатан 3,9 марта ошган, ҳосилдорлик эса 4,2 марта ошган, ялпи ҳосил 4,5 мартага ошган. Бу таҳлиллардан кўриниб турибдики, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши меҳнат харажатларининг ўсишидан олдинга кетган. Бу эса меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг вариантларидан биридир. 1 ц ғалла етиштириш учун меҳнат сарфи 14,3 фоизга камайган, 1 киши-соат ҳисобига етиштирилган ҳосил 15,7 фоизга ошган. Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиб, меҳнат харажатлари пасайган. Бу кўрсаткичлар туманда ғалла етиштиришда

меҳнат унумдорлиги паст эмаслигини билдиради. Меҳнат унумдорлигини ўсиши ғалла етиштириш самарадорлигини ошишига олиб келади.

9. Маҳсулот таннархи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг муҳим омили ва бир вақтнинг ўзида кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. 2010 йил 1 тонна ғалла таннархи 186 минг сўмни, 2011 йилда эса 451 минг сўмни, 2012 йилда эса 333 минг сўмни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 1.8 мартага ёки 147 минг сўмга кўпайган. Туманда ялпи маҳсулот миқдори камайиб, харажатлар кўпайган. Бу ҳол таннархни ошишига олиб келган. Таннархнинг ошиши эса ғаллачиликда ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини пасайишига олиб келади.

10. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги омиллари экстенсив ва интенсив характерга эга. Экстенсив омиллар – бу рентабелликка сотилаётган маҳсулотнинг миқдоридаги ўзгаришлар орқали таъсир кўрсатувчи омиллардир. Интенсив омилларнинг- сотиш баҳоларининг ўсиши ва маҳсулот таннархининг пасайиши орқали таъсир кўрсатадиган омиллардир. Стишдан тушган пул даромади 1,7 мартага, сотилган маҳсулот таннархи 1,71 мартага ошган. Натижада олинган фойда 2776 млн сўмга ёки 2.1 мартага ошган ва рентабеллик даражаси 18.8 фоизни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 4.1 пунктга ошган.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, Нуробод тумани фермер хўжаликларида лалмикор деҳқончиликда ғалла етиштиришнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари бўйича қуйидаги **таклифларни** берамиз:

1. Самарадорликка таъсир кўрсатган кўрсаткичлардан бири бу ҳосилдорлик ҳисоблангани боис, туман иқлим шароитига мос навлар яратиш ва жорий этиш лозим.

2. Ишлаб чиқариш жараёнида агротехник тадбирларни қисқа ва сифатли ўтказиш доимо ғаллачиликда юқори ҳосил гаровидир.

3. Соҳада ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳам самарадорликни ошишида муҳим ўрин эгаллайди.

4. Ғаллачиликда ходимларнинг малакасини мунтазам ошириб боришга ҳаракат қилиш, яъни ғаллачиликка доир турли қуникма ва малакасини ошириш бўйича тарғибот ишлари олиб бориш.

5. Ғалла етиштиришда жуда кўп ишларни механизациялаштириш даражасини ошириш мақсадга мувофиқ.

6. Фермерларга кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш имкониятларини яратиш ва уларни янги техника ҳамда илғор технология билан қуроллантиришда хорижий инвестициялардан кенг фойдаланиш.

7. Таннархни арзонлаштириш мақсадида бир марта сарф-харажатлар устидан назорат ўтказиб, унинг натижасини фермерлар ўртасида муҳокама қилиб, сарф-харажатларни тежаш чорасини кўриш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. –Т.: Ўқитувчи, 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. –Т.: Адолат. 1999.-14 апрел.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фермер хўжалиги тўғрисидаги Қонуни (Янги таҳрирда). // Халқ сўзи, 2004.-15 октябр.
5. Ўзбекистон Республикасининг Мулкчилик тўғрисидаги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлари. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 март 1998 йил ПФ-1978 –сонли фармонига 1 –илова. 1998-2000 йиллардаги қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Дастури. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. -Т.: 1998.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисидаги Фармони. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари. -Т.: Фан, 2003.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги Фармони. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари. -Т.: Фан, 2003
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Озиқ –овқат экинлари майдонларини оптималлаштириш в уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008. -20 сентябр.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 607-сонли қарори. 2004. -24 декабр.
11. Ўзбекистон Республикаси ҚСХВ 04.08.2006.й. 169-сон буйруғи билан тасдиқланган Пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига

топширган пахта хосилини уларга тегишли бўлган пахта шелуха ва кунжарасини қайтариш тартиби тўғрисида Низом.

12. Ўзбекистон Республикаси ВМ 19.10.2005.й. 232-сон Қарори Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида.

13. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. -Т.: Ўзбекистон, 1998.

14. Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқи. 1994.-18 февраль.

15. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.

16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий -иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.

17. Каримов И.А. Бу муқаддас ватанда азиздир инсон. –Т.: Ўзбекистон, 2010.

18. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги. –Т.: Илм-зиё. 2009. Амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти.

19. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мулжалланган энг муҳим устувор йуналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

20. Абдуғаниев А, Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. -Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси. 2004.

21. Абдуллаев А.А., Айбешов Х.А. Фермер хўжалиги иқтисоди. -Т.: Алоқачи, 2008.

22. Исмоилов.А.К, МуртазаевО.«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти». –Т.: Молия, 2005.
23. Мусаев Д., Яхшиликков Ё., Юсупов Қ. Ўзбекистонда озиқ -овқат хавфсизлиги.-Т.: Мега Басим, 2010.
24. Муртазаев О, Ғаниев И, Хасанов Ш, Ахроров Ф. Аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалик бозорлари. –Самарқанд, 2009.
25. Муртазаев О. Пахтачилик агросаноат мажмуаси самарадорлигини ошириш муаммолари. –Т.: 2005.
26. Солиев А. Маркетинг. Бозоршунослик. -Т.: ART-FLEX нашриёти, 2008.
27. Ғ.А.Саматов.,И.Б. Рустамова.,У.А. Шерипбаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, -2012.
28. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини оширишда аграр фанлар ютуқларининг ўрни. Республика илмий-амалий конференцияси. -Самарқанд, 2009.
29. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда эришилган ютуқлар ва муаммолар. Профессор –ўқитувчиларнинг “Баркамол авлод йили”га бағишланган илмий амалий конференцияси материаллари. -Самарқанд, 2010.
30. Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий- маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг минтақавий семинарлари материаллари, 2010 йил.
31. Нуробод туман фермер хўжаликларининг 2010-2011-2012- йиллик ҳисоботлари.

32. Интернет маълумотлари:

- 32.1. www.press-servicye.uz – Prezident matbuot bo'limi sayti
- 32.2. www.yer.usda.gov – AQSh qishloq xo'jalik departamenti xorijiy tadqiqotlar markazi sayti
- 32.3. www.samqxi.uz – SamQXI sayti
- 32.4. www.yedu.uz – Oliy ta'lim sayti

- 32.5. www.google.uz – Qidiruv sayti
- 32.6. www.ziynet.uz.-axborot-ta'lim portali
- 32.7. www.stat.uz-O'zR- Davlat statistika qo'mitasi sayti
- 32.8. www.agro.uz-O'zR- Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi sayti
- 32.9. www.vinprom.uz –O'zvinosanoat-xolding sayti.